Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади. **Муштарийларимиз сафида бўлинг!** Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 14-may, №22 (579)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Қути устидаги хуфёна савдо



Банан қутиларини ноқонуний йўл билан мамлакатимизга олиб келаётган кимсалар нафақат ҳалолликни фаолиятининг мазмунига айлантирган тадбиркорларга, балки давлатимиз бюджетига ҳам катта зарар келтирмоқда.

⇨ 2-бет

Сўз эркинлиги



«Эркин» сўзи аслида нодавлат тушунчаси билан боғлиқ эмас. Лекин мамлакатда эркин оммавий ахборот воситалари тизимининг қанчалик шаклланганлиги нодавлат нашр ва телерадиоканаллар салмоғи билан ҳам белгиланади.

⇨ 6-бет

Сўз не ажиб ҳикматки

Ҳар бир сўзловчи тилнинг аҳамиятини тушунса, сўзнинг маъносини ҳис этса равон сўзлайди. Оғзига келган сўзни ўйламай гапириш тилга ва сўзга зиён етказади. Адабий талаффуз деган нарса одамларнинг талаффуз ёзувига ўхшайди. Бошланғичда ўрганган ёзув одам умрининг охиригача хотирасида туради.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Суни қабул қилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 май куни Оқсаройда «Korean Air» авиакомпанияси раиси Янг Хо Чойни қабул қилди. Қабул чоғида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Korean Air» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.
- Кеча — 13 май куни Индонезия ташқи ишлар вазири Хассан Вираюда бошчилигидаги Индонезия ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Делегация таркибидан нефть ва газ саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо-сотиқ соҳаларида фаолият олиб борувчи бир қатор компаниялари вакиллари жой олган.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида адабиётшунос олим, академик, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Матёқуб Қўшжонов фаолияти ва ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.
- Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 3 мартда қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига асосан йигитлик бурчини ўтаб қайтган аскарлар тантанали кутиб олинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳам бўлиб ўтди.

2008 ЙИЛ — ЁШЛАР ЙИЛИ

Ватаннинг эртаси

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Ислом Каримов

Ватан — оиладан бошланади. Ҳақиқий бахт ҳам агарки инсон оилада бахтли бўлсагина эш бўлади. Зеро инсон ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфасининг пойдевори аввало оилада қўйилади. Ёш авлодни воягa етказиб, унга илк тарбияни берадиган ҳам, уларни миллий ватанпарварлик руҳи билан озиқлантириб, маънавий баркамоллик томон етаклайдиган ҳам энг аввало оила ва унинг муҳитидир. У дарз кетса, жамият бузилади, тараққиёт таназзулга юз тутади.

Маълумки, оила жамиятнинг ижтимоий асоси, табиий ҳужайрасидир. У нафақат инсоннинг ўзини, балки қадриятларининг, мангуликка даҳлдор бўлган энг эзгу сифатларининг ҳам давомийлигини таъминлайдиган даргоҳдир.

Шу боисдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 май кунини Халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилган.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб оилага катта эътибор қаратиб келинмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз бу хайрли ишнинг ижодкори ва фаол ижрочисидир. Президентимизнинг биринчи Фармони ҳам 1990 йил 3 майда қабул қилинган бўлиб, у "Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида" эди. Қолаверса, Инсон манфаатлари йилидан тортиб, токи Ёшлар йилигача бирор бир йил йўқ-ки, бевосита оилага тааллуқли бўлмаса, унинг замирида фуқаролар фаровонлиги, келажак авлодга бўлган бемисл ғамхўрликлар ифодаси ётмаган бўлса.

Ўзбекистонда МДҲ давлатлари орасида ягона Оила илмий-амалий марказининг қарийб 10 йилдан бери муваффақиятли фаолият юритиб келинаётганлиги ҳам сўзимиз исботидир.

Ўзбекистонда айни пайтда 6,5 миллионга яқин оилалар истиқомат қилади. Шулардан бир миллионга яқини ёш оилалардир. Шу боисдан ҳам, биргина ўтган йилнинг ўзида ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олишлари, иморат қуришлари ва рўзғорларини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилган. Бу жараён жорий — Ёшлар йилида ҳам кенг суръатларда давом эттирилмоқда. Маълумотларга қараганда бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши, ёшларга ва ёш оилаларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги бежиз эмас.

Ёшларга эътибор — Ватаннинг эртасига эътибор. Ватан остонадан бошланади. Остона эса тор тушунча эмас, у аввало барчамиз яшаб турган оиламиздир. Глобаллашув жараёнида ёвуз кучлар ўзларининг тажаввузкор ғояларини шиддат билан кишилар онгига сингдиришга ҳаракат қилаётган бир шароитда оиламизни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳар қандай ёт ғуборлардан ҳимоя қилишимиз зарурдир.

Ахир уни бежизга кичик мамлакатга қиёслашмайди. Зеро, оила тинчлиги, тотувлиги мамлакат, юрт тинчлиги билан муқояса қилишга арзигулиқдир.

Иномжон АБДИЕВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2007" танлови давом этмоқда!

Азиз ҳамкасблар! Ўтган йили мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларда фаолият кўрсатаётган сиз журналистларнинг хизматларингиз қатта.

Азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2007 йил июнидан 2008 йил июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумот ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 2008 йил 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар.
Телефонлар: 244-64-62; 244-37-87.
Факс: 244-69-65
E-mail ijod@sarkor.uz
www.journalist.uz

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Она юрт қадри

1993 йилда илк бор Ватаним тупроғига қадам қўйганим эсимда... Ўшанда эллик уч ёшда эдим. Эллик уч йиллик ҳасрат, Ватан ҳижрати туйғулари ўша лаҳзада кўнглимдан кўтарилиб кетгандай бўлди. Падари бузрукворим Саид Маҳмудхон Тўранинг биз фарзандларига қилган насиҳатлари, "Биз Ватанга етишолмадик, иншооллоҳ, сизлар етажаксиз, Она-юртимизга хизмат этажаксиз, бизларнинг руҳимиз бешак-шубҳа шод бўладур!" деган сўзлари ўз исботини топган эди.

Отам туғилган Фарғона водийсининг Чуст шаҳрига бордим. Ўша болаликда кўп бор отамиздан эшитган Тепақўрғон қишлоғини зиёрат қилдим. Қишлоққа борганда, ерга тиз чўкиб, она тупроқни ўпдим. Волидамиз Муаззисхоним айтишларича, бизлар етти фарзанд – олти ўғил, бир қиз туғилганимизда, узоқ йиллар халтачада сақлаб юрилган тупроқдан олиб, ҳар биримизни турпоқлаган эканлар. Бу – ўша тупроқ, мен ютоқиб лаб босган Замин... Ҳа, ўша тупроқ мени Ватанимга тортиб келди...

Ўн беш йилдирки, ўз Ватанимдаман. Миллатимнинг бир аъзоси сифатида қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман, тинч турганим йўқ, бунга ҳаққим ҳам йўқ. Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар жуда кенг кўламда олиб борилаётганига гувоҳ бўлаяпман. Бари кўз ўнгимда рўй бермоқда. Шуни айтиш лозимки, дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман, яшаганман, у ерлардаги шундай ишлардан бохабарман. Лекин озод Ватанимда бўлаётган ислоҳотлар жозибаси мутлақо ўзгача. Уларнинг миллат тарихидаги буюк аҳамиятини билмоқчи бўлган киши барини ўз кўзи билан кўриши керак. Хорижда яшаётган ватандошларимга ҳам шуни айтаман.

Олайлик, Қамчиқ довони орқали ўтаётган Буюк ипак йўли. Жуда тўғри танланган режа. Ҳар бир мамлакат барча ҳудудларини боғлаб турадиган ва ҳар бир чақирими ҳам ўз сарҳадларидан ўтган ягона йўл тизимига эга бўлмоғи керак.

6»

ДУНЁ СИЁСАТИ

Ҳурматсизлик учун ўқишдан ҳайдалди

АҚШлик 14 ёшли ўқувчи Бишоп Эденс мамлакат байроғига содиқлик қасамёди ўқилаётган пайтда ўрнидан турмагани учун мактабдан четлатилди. Бироқ мазкур ҳодисанинг кейинги куни прокурор мактаб маъмуриятига қасамёд матни ўқилаётган пайтда ўрнидан тик туриш Конституциявий талаб эмаслигини тушунтирди. Шу тариқа ўқувчи яна мактабга тикланди.

Бишоп Эденс ушбу ҳаракатини мактаб маъмуриятига норозилиги билан изоҳлаган. Бундан аввалроқ унинг уч нафар синфдоши ҳам қасамёд пайти тик турмагани учун жазоланган эди.

Мактаб маъмурияти ўқувчиларнинг ўжар ҳаракатини қасамёдга ҳурматсизлик деб баҳолаган.

Ушбу одат юз йилдан ошиқ тарихга эга. Қасамёд матни 1892 йили руҳоний Френсис Белами томонидан ёзилган. Фуқаролар у орқали мамлакат байроғи тимсолида давлатга содиқликларни изҳор этадилар. Америкадаги аксарият мактабларда ўқувчилар ҳар куни эрталаб содиқлик қасамёдини қабул қилишади.

5»

ҲУҚУҚ

Емаган сомсага ҳақ...

Мустақиллигимизда ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини таърифлаб адо этиб бўлмайди. Буларнинг асл мақсади, ўзаги — Инсон деган улуғ зотни ноҳақ, ноқонуний жазога тортмаслик десак, янглишмасмиз. Янги, ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти қуришнинг Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган беш тамойилидан бири — қонун устиворлиги деб аталиши замирида ҳам жуда чуқур маъно бор. Бу маъно эса ўзининг ақл-идрокию адолатпешалиги самараси ўлароқ дунёда довруғ қозонган Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг "Куч — адолатда" деган ўзак шиори билан бевосита ҳамоҳангдир. Зеро, қонунийлик ва адолат ҳукмрон бўлган мамлакатда тартиб-интизом бўлади, тараққиёт олға одимлайди, фуқаролар эркин, бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечиради. Бугун юртимизни фахр билан бунга мисол қилиб кўрсата оламиз.

Шу тариқа, мамлакат миқёсида суд-ҳуқуқ тизими тобора такомиллашиб, адолатлашиб, қонунийлашиб бораётган айни пайтда, айрим жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари эътирозларга сабаб бўлаётгани ва бу эътирозлар баъзан асоссиз эмаслиги — қуйи судларда йўл қўйилган хато-камчиликлар юқори инстанция судларида тузатилиб, охироқибат қонунийлик тантана қилаётгани каби айрим мисоллар учраб турганлиги ҳам бор гап.

...Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида 2007 йил 28 ноябрда ҳукм ўқилган, апелляция инстанциясининг 2008 йил 11 январдаги Ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган мазкур жиноят ишидаги 25 ёшли қаҳрамонимиз Абдусамат Наимов Жиноят Кодексининг роса 4та моддаси билан айбланган. Айблангану, юмшоқ айтганда, айби исботлаб берилмаган. Ҳолбуки, "уюшган гуруҳ бўлиб" содир этилган жиноятда ҳар бир айбланувчи-судланувчининг айби — айнан унга тегишли жиноий ҳаракат ҳужжатлар, далиллар, далилий ашёлар билан аввал терговда, сўнг судда исботланиши зарур ва шарт. Йўқса, у шахс айбли деб топилмайди. Исботланмаган ёки исботлашнинг имкони бўлмаган ҳар қандай тахмин ва ҳолатлар эса айбланувчи-судланувчининг фойдасига ҳал этилади.

Абдусамат Наимов, айтиш жоизки, Мустақиллик фарзанди. Мамлакатимизда Мустақиллик эълон қилинганида у 9 ёшлигина бола эди. Мактабни тугатгач, сирдарёлик оддий деҳқон фарзанди ўз иқтидори билан олий ўқув юртига ўқишга кирди, битирди ва инглиз тилини ўз она тили ва рус тили каби мукаммал биладиган даражага эришди. Тақдир унга Тошкентдаги "Сундус" деб номланган қўшма корхонада менежер деган замонавий касбда ишлашни раво кўрди. Бироқ, орадан икки йил ўтар-ўтмас бу корхона текширилиб, катта миқдорда иқтисодий жиноятлар содир этилгани аниқланди ва жиноят иши қўзғатилди. Корхона раҳбари, ўринбосари, икки ҳисобчи, уларга шерик бошқа шахслар ва менежер А.Наимов ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Олдиндан бир ҳолатга эътибор берайлик: А.Наимов терговда аввалига Жиноят кодексининг 28-моддаси (жиноятда иштирокчи) орқали жавобгарликка тортилган эди, "иштирокимни исботлаб беринг" деб ўзи ва адвокати "тихирлик" қилавергач, "28"-модда олиб ташланди...

2»

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг нафаси

■ Пойтахтимизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ўтказилаётган "Фермер аёллар учун микрокредитлар" лойиҳаси ғолибаларини тақдирлаш маросими бўлди. Жорий йилда лойиҳада иштирок этган Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Андижон вилоятлари вакилалари — 300 нафар фермер аёлнинг ҳар бирига "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан 600 минг сўмдан кредит ажратилди.

■ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан Франциянинг "Air France" авиакомпанияси ўртасида тузилган шартномага асосан жорий йилнинг 1 сентябридан ҳафтада бир марта «Париж-Урганч-Париж» йўналиши бўйича авиарейс йўлга қўйилади.

■ Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида жойлашган «Ост-Фуд» Ўзбекистон—Лихтенштейн қўшма корхонаси маҳсулотлари экспорт қилина бошланди. Корхонада асосан тола чиқитларидан тиббий-гигроскопик момиқ тайёрланади. Ўттиз нафардан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг дастлабки чорагида ишлаб чиқарилган маҳсулот 125 тоннани ташкил этди.

■ Республика Киночилар уйида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Ўзбеккино" миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан яратилган "Латиф Файзиев" ҳамда "Ҳар сўзи наво эди" ҳужжатли фильмларининг премьераси бўлиб ўтди.

■ Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида ўтган "Боболардан мерос наволар" фестивалида ёш бахши-шоирлар ўз маҳоратини намойиш этди. Олтинсойлик Қобил Муҳаммадиев ва музработлик Муҳаммади Холпўраев "Энг яхши ижрочи бахши", деновлик Эрали Маматмурадов ҳамда қумқўрғонлик Қаҳромон Мусурмонов "Энг ёш бахши" йўналишларида ғолиб чиқди. Қумқўрғонлик ёш бахши Абдимурод Бобоқулов "Энг яхши достон ижрочиси", қизириқлик Чоршанби Жумаев "Энг яхши терма ижрочиси" деб топилди.

■ Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Поромон қишлоғида вилоят ижодкор ёшларининг анъанавий шеърият байрами бўлиб ўтди. Ҳар йили ўтказилаётган мазкур анжуманда ёш қаламкашлар ўз ижод намуналаридан ўқиб, устозлар баҳосини олдилар.

■ Фарғона вилоятида ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш, ўқувчиларнинг таътил кунларини мароқли ўтказиш, мазмунли дам олишларини таъминлашга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Болалар оромгоҳлари таъмирланиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилмоқда. Ёшлар йилида вилоятда 21 минг нафардан зиёд ўқувчини оромгоҳларда соғломлаштириш мўлжалланмоқда. Айни пайтда мавжуд 24 стационар, 57 кундузги оромгоҳда тайёргарлик ишлари якунланяпти.

■ Фарғона Ахборот-кутубхона марказига немис тилидаги янги китоблар келтирилди. Марказнинг чет тиллардаги адабиёт залида «Одам ва китоблар. Германия кутубхоналарининг Марказий ва Шарқий Европа учун ташаббуси» лойиҳаси доирасида олинган китобларнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.

■ ФАХР

Иқтидорлар маскани



Мамлакатимизда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятларда махсус спорт масканларида олиб борилаётган ишлар ҳамда соҳадаги ютуқлар шулар жумласидан.

Самарқанд Олимпия захиралари спорт коллежи ҳам 30 йиллик тарихга эга замонавий ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Коллежда жаҳон андозаларига жавоб берадиган спорт шаҳарчаси ташкил қилинди.

Ўқув даргоҳида ёшлар миллий ва Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спортнинг дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, миллий кураш, бокс, енгил атлетика, оғир атлетика, чим устида хоккей ва самбо турлари бўйича сабоқ олмоқдалар. Бундан ташқари коллежда Олимпия ҳамда миллий спорт турлари бўйича "Мураббий ўқитувчи" мутахассислари ҳам тайёрланади.

Мустақил Ўзбекистон байроғининг жаҳон спорт шохсупаларида юксакка кўтарилишида коллеж талабаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Масалан, коллежда ҳозиргача 40 дан зиёд жаҳон ва Осиё ўйинлари, 18 нафар Марказий Осиё ўйинлари ғолиби ва совриндорлари, 10 нафар Олимпия ўйинлари иштирокчилари ҳамда кўплаб халқаро турнир ғолиблари етишиб чиқди.

Булар қаторига Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган чемпионатда иштирок этиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳолда 1 та олтин ва 1 та кумуш медални қўлга киритган коллеж талабаси Е.Пискунови ҳам қўшиш мумкин. Ҳар йили коллеж талабалари орасидан 60 нафарга яқини Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзолигига қабул қилинмоқда:

Коллежда халқаро муносабатлар ҳам кенг тарзда йўлга қўйилган. 2002 йил 1-28 февраль кунлари Сеул жисмоний тарбия университети доценти жаноб Ким Ил Джонг коллежнинг "Миллий кураш" бўлимида ўз малакасини ошириб қайтди. Ҳозир у Жанубий Корея "Кураш" федерацияси президенти, кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакам ҳисобланади.

Дарвоқе, Самарқанд Олимпия захиралари спорт коллежида қўшни вилоятлардан ҳам талабалар таҳсил олишади. Ўқув масканида 88 нафар олий тоифали мураббий-ўқитувчилар ёшларга спорт сир-синоатларини ўргатиб келишмоқда.

Хуллас, ушбу ўқув даргоҳи бугун нафақат самарқандлик ёшларнинг, балки мамлакатимиз ўғил-қизларининг севимли, фахрли таълим-тарбия даргоҳларидан бирига айланган.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ, "Ҳуррият" мухбири.

■ ФАРМОН ВА ИЖРО

Самара ва масъулият

Бугунги кунда аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, накд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва шу тариқа аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳукуматимиз олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 20 февралда "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини қабул қилиниши айни муддао бўлди. Мазкур фармонга кўра, аҳоли омонатларининг миллий ва хорижий валютадаги маблағларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ва декларациясиз чекланмаган миқдорда қабул қилиш, қўйилган маблағларни банк сири сифатида қатъий кафолатлаш ва омонат эгалари маблағларини чекловларсиз тасарруф этиш ҳамда 2008 йилнинг апрель ойидан 2009 йил апрель оралиғида омонатга қўйилган маблағлардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилмаслиги тўғрисида катта имтиёзлар берилди.

— Ўз навбатида ушбу фармон бошқа назорат органлари сингари солиқ идоралари зиммасига ҳам ниҳоятда катта масъулият юклайди, — дейди Тошкент шаҳри Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Файзулло Иброҳимов. — Шу боис туман банкларига аҳоли омонатларини кенг жалб этиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Бу ўз самарасини беряпти, албатта. Масалан, биргина туман "Пахтабанк"ига шу пайтга қадар 248 кишидан 13 турдаги турли муддатларга мўлжалланган 544 миллион 98,667 минг сўм маблағ жалб этилди.

25 турдаги омонатлар бўйича эса 282 нафар кишидан 381 миллион 389 минг сўмдан зиёдроқ маблағ қабул қилинди. Ушбу қўйилган омонатлардан олинадиган даромадлар аҳолига ўз вақтида берилиб, ҳисоб-китоб қилиб борилмоқда.

Айни пайтда ушбу иш кўламини янада кенгайтириш мақсадида банк мутахассислари билан солиқ идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари кенг йўлга қўйилмоқда.

Эшмат ЁҚУБОВ

■ АЙТГАНЧА

Сармишсой қоятошларидаги битиклар

Яқинда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакиллиги ташаббуси билан Навоий вилоятида "Сармишсой табиий ва маданий ёдгорлигини бошқариш, сақлаш ва ўрганиш натижалари ва келгуси режалар" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Уч кун давом этган конференцияда Норвегия ва Япониядан халқаро экспертлар, ЮНЕСКО вакиллари, миллий, маданий ва тарихий ёдгорликларни ўрганиш бўйича кўплаб илмий муассасаларнинг олимлари иштирок этишди.

Норвегиялик халқаро экспертлар томонидан Сармишсой қоятошларидаги битиклар қадимийлиги билан ниҳоятда аҳмиятли эканлиги эътироф этилди. Уларни ўрганиш жараёнида ер юзидаги 7 минг йиллик эволюцион жараён ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкинлиги, бу ерларда яшаган халқларнинг турмуш тарзи, ҳайвонот ва наботот олами ҳақида қимматли маълумотларга гувоҳ бўлганликларини таъкидлашди. Бу каби тарихий битиклар ер юзида бармоқ билан санарли даражада камёблиги, уни асраб авайлаш нафақат ўзбек халқининг, балки йирик халқаро ташкилотларнинг ҳам олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини анжуманнинг ҳар бир иштирокчиси қўллаб-қувватлади.

Азамат САФАРОВ, «Ҳуррият» мухбири.

Емаган сомсага ҳақ...

(Бошланиши 1-бетда.)

Хўш, 1995 йилда ташкил этилган "Сундус" қўшма корхонаси қанақа жиноятларни содир этган? Маълум бўлишича корхона асосан чет эллардан мол-маҳсулот келтириб сотган. Унинг ҳажми бир неча ўн миллиардлаб сўмни ташкил этади. Ва, шунга яраша бож ҳамда солиқдан яшириб қолинган маблағ ҳам бир неча ўн миллиард сўмдан иборат. Улар бож ва солиқ суммасини камайтириш учун қалбаки ҳужжатлар ҳам тайёрлашган: аслида 1995 йилда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган қўшма корхона 1997 йилда ташкил этилган деб қайта рўйхатдан ўтказилган. Бундан мақсад — "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида қайд этилган — 10 йилгача имтиёзли солиқ тўлашга эришиш эди. Яъни, уларнинг имтиёзи 10 йил ўрнига 12 йил давом этган!

Ҳа, жиддий жиноий ҳаракатлар содир этилган, бу — факт. Бироқ, қўшма корхонанинг раҳбари-ю бошқа мансабдорлари амалга оширган бу жиноий ҳаракатларда, қўшма корхонада бор-йўғи икки йил менежер, молиявий жавобгарликдаги мансабдор шахс ҳисобланмайдиган, бирон бир жиддий ҳужжатни ёзиш ва имзо чекиш ҳуқуқи бўлмаган, моддий жавобгар ҳам эмас 23-25 ёшли йигитнинг иштироки-ҳиссаси қанча? Бу иштирок борми ёки йўқми?

Айблов хулосаси, Ҳукм ва Ажримни ўқиган одам, бир қарашда уни ўша раҳбар ва мансабдорларга ҳамтовоқлигига шубҳа қилмайди. Бироқ, ундан А.Наимовнинг айбини — жиноий ҳаракатини қидириб қайтадан синчиклаб ўқисангиз, деярли ҳеч нима топмайсиз!

Ҳатто, судда гувоҳлик берган қўшма корхона раҳбари М.Обуз "Наимовнинг ҳеч қанақа айби йўқ, унинг вазифасига фақат тайёр контрактларни божхона ва солиқ идораларига олиб бориб рўйхатдан ўтказиш кирарди" деб кўргазма берса, бош ҳисобчи Н.Нугманова "Наимовнинг айби йўқ, у шартномани имзоламайди, ҳисоб-китобларга ҳам аралашмайди" деб кўргазма беради, А.Наимовнинг ўзи ҳам бу қаллобликлардан мутлақо бехабарлигини, олди-сотди ва ҳужжат тайёрлаш ишларига уни мутлақо аралаштиришмаганини айтиб кўргазма берган.

А.Наимов Жиноят кодексининг 4 моддаси билан айбланган: 182-моддаси 2-қисми "а" ва "в" бандлари, 209-моддаси 2-қисми "а" ва "в" бандлари, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисми.

Ана энди, бир даста бу моддалар ўзи қайси мазмунда ва уларда А.Наимовнинг айби бор-йўқлигини, бўлиши мумкинми-йўқлигини қисқача кўриб чиқайлик-а:

а) 182-модда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, божхона назоратини четлаб ўтиш, божхона ҳужжатларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш жиноятлари ҳақида. Буларнинг биронтасини А.Наимовга суперелим билан ҳам ёпиштириб бўлмайди. Чунки юқорида эслатилган ҳужжат ёки ҳолатлар аслида умуман йўқ. 1995 йилни 1997 йил қилиб қайта рўйхатдан ўтказилган вақтда эса Абдусамат мактаб ўқувчиси эди... Бунинг устига, импорт контрактлари бўйича четдан олиб келинаётган товарлар божхона назоратидан ўтган, четлаб ўтгани бўлмаган... У қандай қилиб "божхона қонунчилигини бузган" ҳисобланади? Ахир жиноят ишида у имзолаган ёки расмийлаштирган биронта ҳужжат йўқ-ку!?

б) Жиноят кодекси 184-моддаси солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш каби қилмишлар учун жазони кўзда тутади.

"Сундус" қўшма корхонаси юридик шахс бўлиб, амалдаги қонунчиликка биноан, юқоридаги вазифалар корхона бухгалтерияси томонидан амалга оширилади. Хўш, бунга "менежер"нинг қандай алоқаси бор эди? Ёки, у имзолаган биронта бухгалтерия ҳужжати фавқулодда топилиб қолдими — жиноят ишида борми?

в) Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисмида савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга доир қонунбузарликлар кўрсатилган. Бу эса А.Наимовга нисбатан "божхона қонунбузарлиги"дан ҳам олис ҳолат. "Сундус"да моддий жавобгар шахслар фаолият кўрсатган ва савдо-сотиқ ишлари билан улар шуғулланган. Корхона билан А.Наимов ўртасида эса моддий жавобгарликка доир шартнома имзоланмаган. У жамоанинг савдо фаолиятида қатнашмаган. Унинг гарданига бу модда ўтказиб қўйилган-у, лекин на тергов, на судда қайси савдо қоидасини бузгани тўғрисида ҳужжат у ёкда турсин, оғзаки ҳам асослантирилмаган.

г) Жиноят кодексининг 209-моддаси мансаб сохтакорлиги жинояти, яъни мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятлари ҳақида. А.Наимов эса, биринчидан, мансабдор шахс эмас. Иккинчидан, қани у имзолаган сохта ёзув ёки қалбаки ҳужжат — жиноят ишида йўқ-ку биронта "қоғоз"?!

...Хуллас, шу гаплар. Суд А.Наимовни юқоридаги жиноятлар "гулдастаси" билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилди! Апелляция инстанцияси бу ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди.

Яна суд залига "қайтсак", А.Наимовни "дело"да айблаб турган ягона битта ҳолат бор, у — гувоҳ, менежер Абдурашид Луқмоновнинг терговда берган кўргазмаси. Қуруқ кўргазма. Ҳа, "Абдусамат ҳам уларга шерик эди", деган муэмундаги кўргазма. Судда эса у ўзининг бу туҳмат кўргазмасидан виждони қийналаётганини айтди...

Судлов ҳайъати ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди...

У ёкда, Сирдарёда Абдусаматнинг оддий деҳқон отаси лол-у ҳайрон, нима содир бўлганига тушунолмай доғда: у таҳририятимизга йўллаган ўз шикоятида: — ўғлимни қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам энди уйлантирмоқчи эдим, унаштириб қўйгандик. Етти йилини сира тушунолмаяпман, уйга етти тийин кўтариб келган бўлса ҳам майлийди, Тошкентда ижарада яшарди, уйга келганида баъзан йўлкира пулини бериб юборардим деб ёзади.

Етти йил...

Беҳзод АЛИМОВ, журналист.

■ ҲОЛАТ

Қути устидаги хуфёна савдо

Айрим субтропик мевалар шу жумладан кўпчилик, айниқса, болалар севиб истеъмол қиладиган банан ҳақида билмайдиган одам топилмаса керак. Аммо банан қутилари деб номланадиган идишлар ҳақида ҳамма ҳам маълумотга эга эмас. Таъкидлаш ўринли, у бугун баъзи нафси ҳакалак отган кимсаларнинг хуфёна даромад олиш манбаига айланиб улгурган. Наҳотки, дейсизми, унда эшитинг. "Ҳимоя" адвокатлик фирмаси ҳуқуқий маркази томонидан таҳририятимизга таклиф этилган мавзу юзасидан тақдим этилган маълумотларга қараганда, мазкур қутилар ёрдамида кўплаб инсонлар мамлакатимизга ва мамлакатимиздан ташқарига маҳсулотлар олиб чиқишади ва олиб киришади. Банан қутилари асосан дунёнинг бир мамлакатида, у ҳам бўлса Эквадорда ишлаб чиқилар экан. Бу мамлакат билан бизнинг давлатимиз ўртасида эса айнан банан қутилари борасида ҳеч қандай тижорат алоқалари тўғрисида шартнома имзоланмаган. Ҳар бир қутига 18,5 килограммгача маҳсулот жойлаш мумкин. Ўтган 2007 йили Ўзбекистонга импорт қилинган бананлардан бўшаган қутилар 500 мингтани ташкил этган. Шунингдек, республикамизга бўш идиш сифатида қонуний йўл билан 1,5 миллион дона банан қутилари олиб келинган. Демак жами бўлиб, 2 миллион дона. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Хорижга экспорт қилинаётган баъзи полиз ва мева маҳсулотлари миқдорига назар ташласак, ушбу ҳолатнинг номаълум бўлиб турган қирралари ойдинлашади. 2007 йилда 71627,6 тонна қовун хориж давлатларига, жумладан, Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинган. Шунинг ўзига 4,2 миллион дона банан қутиси керак бўлади. Савол туғилади: республикамизга қонуний равишда 2 миллион дона банан қутиси олиб келинган бўлса, (бу ерда эса 4,2 миллион дона қути ҳақида гап кетаяпти) хўш, қолган 2,2 миллион дона қути қаердан келиб қолди? Осмондан тушдими, ёки ердан ўсиб чиқдими? Боз устига бу ерда фақатгина қовун маҳсулоти назарда тутилаяпти, холос. Бундан ташқари яна минглаб тонна турли хил мева ва сабзавотлар хорижий давлатларга сотилмоқда. Ҳар ҳолда уларга ҳам "анчагина" банан қутилари керак бўлаётган бўлса керак. Ўзимизда бундай қутилар ишлаб чиқарилмаётганини ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, четдан ноқонуний йўл билан кириб келаётган банан қутилари кўламини тасаввур қилиш мушкул эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фақат юқоридаги расмий маълумотда қайд этилган 2,2 миллион банан қутиси ҳар бири 60 та вагондан иборат 3 та темирйўл составига жойлашаркан. Албатта, улар бирваракайига яширин йўллар билан олиб кирилган дейиш фикридан йироқмиз. Бироқ хуфиёна оз-оздан тез-тез олиб кирилганда ҳам миллионларга тенг миқдорни "осонгина" забт этиш мумкин.

> *Бу сумма текин даромадни кўзлаб, давлат божини тўлашдан бўйин товлаётган сохта тадбиркорларнинг чўнтагини қаппайтирмоқда, холос.*

"Ижтимоий фикр" марказидан олинган маълумотларга кўра, бу қутилардан маҳсулот идиши сифатида фойдаланишнинг аҳволи бўйича "Қўйлиқ" бозорида 153 нафар сотувчи орасида сўровнома ўтказилган. Таҳлил натижалари булғор гармдориси 100 фоиз, олча - 96,7 фоиз, хурмо - 94,5 фоиз, анор – 93,3 фоиз, Беҳи – 92,9 фоиз, редиска – 86 фоиз, узум - 85,6 фоиз, кўкатлар - 76 фоиз, бодринг – 57,7 фоиз, помидор - 57 фоиз, олма – 43,3 фоиз, нок - 24,4 фоиз, қандолат маҳсулотлари - 13,3 фоиз ана шундай идишларда сақланаётганини кўрсатади. Сабаби бу идишларнинг сиғими катта, маҳсулотлар эзилиб қолмайди. Бунинг устига ,ниҳоятда енгил ва пишиқ ишланган.

Пойтахтимиздаги "Қўйлиқ" улгуржи савдо бозори эса республикамиздаги ана шундай бўш банан қутилари сотиладиган асосий савдо нуқтадир.

Бир дона қути у ерда 1,5 – 2 минг сўмдан сотилади. Жиззах вилояти сотувчилари эса уни 2,5 - 3 минг сўмдан сотиб олишган. Суриштирув жараёнида бозор яқинидаги хонадонларда бўш қути омборлари борлиги ҳам аён бўлди. Идишлар четдан ўша омборларга, омборлардан эса бозорга олиб чиқилар экан. Наҳотки ўзларига хон, қўланкаси майдон бўлган бундай кишилар қингир ишларимиз ҳеч қачон ошкор бўлмайди, деб ўйлашган бўлса?!

"Ҳимоя" адвокатлик фирмаси ҳуқуқий маркази сўровига биноан Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи С.Ғуломов имзоси билан йўлланган жавоб хатида шундай ёзилади:

"... Банан қутиларининг ноқонуний олиб ўтилиши эҳтимоли юқори бўлган "Минсув", "Навоий", "С.Нажимов", божхона постлари ва "Ғишткўприк" божхона комплекси атрофидаги айланма йўлларда назоратни кучайтириш тўғрисида кўрсатмалар берилди. 2007 йилда Тошкент вилояти божхона бошқармасининг ТИФ (ташқи иқтисодий фаолият) божхона постлари томонидан 161.560 дона қутилар "импорт" режимида божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, 36,4 миллион сўм миқдорида божхона тўловлари ундирилган. Шунингдек, божхона назоратидан четда бўлган айланма йўллар орқали товарлар олиб ўтилишига қарши ўтказилган тадбирлар давомида 16 та ҳолатда 62.309 дона қути ушлаб қолиниб, давлат фойдасига мусодара қилинган".

Бошқа вилоятлардаги давлат божхона бошқармаларидан олинган маълумотлар ҳам диққатга сазовор.

Жумладан, ДБҚ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг маълумотларига кўра, 2007 йил мобайнида 4 ҳолатда 10680 дона ва 2008 йилнинг биринчи чорагида 2 та ҳолатда 1850 дона банан қутилари ноқонуний олиб ўтилаётганда божхона хизматчилари томонидан ушлаб қолиниб, давлат фойдасига мусодара этилган.

Эътиборлиси, республикамизга Эквадордан олиб келинаётган бўш банан қутиларининг бир килограммидан 0,28 АҚШ доллари миқдорида бож даромад давлат ғазнасига тушиши керак. Энди биргина Тошкент вилояти Давлат божхона қўмитаси

томонидан 161.560 дона қутидан олинган 36,4 миллион сўм божни турли айланма йўллар билан республикамизга олиб кирилаётган миллионлаб банан қутилари сонига кўпайтириб кўринг-а. Бу сумма текин даромадни кўзлаб, давлат божини тўлашдан бўйин товлаётган сохта тадбиркорларнинг чўнтагини қаппайтирмоқда, холос.

Банан қутиларини ноқонуний йўл билан мамлакатимизга олиб келаётган кимсалар нафақат ҳалолликни фаолиятининг мазмунига айлантирган тадбиркорларга, балки давлатимиз бюджетига ҳам катта зарар келтирмоқда. Мазкур ҳолатларнинг ўзиёқ, ўйлашимизча бу маҳсулотларни ким, қачон, қай тарзда, қандай йўл билан ва айнан қаерга олиб келинаётганини аниқлаб, уларга қарши кескин чоралар кўриш фурсати аллақачон етганлигини англатади.

Шавкат НОСИРОВ, журналист.

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Сўз эркинлиги

чуқур билим, юқори савиясиз унга эришиб бўлмайди

Мустақил ташланган ўн етти қадам. Бу, албатта, кўҳна тарих олдида узоқ давр эмас, аммо глобаллашув жараёнида эса салмоқли йиллар... Жайдаричасига айтадиган бўлсак, салкам бир йигит ёши. Демак, илк қадамлар, «тай-тайлаш»лар орда қолган. Ҳа, бу вақт мобайнида мустақил юрт ўзининг барқарор иқтисодиёти, инсонпарвар сиёсати... ва албатта, эркин оммавий ахборот воситалари тизимини шакллантирди.

«Эркин» сўзи аслида нодавлат тушунчаси билан боғлиқ эмас. Лекин мамлакатда эркин оммавий ахборот воситалари тизимининг қанчалик шакллангани нодавлат нашр ва телерадиоканаллар салмоғи билан ҳам белгиланади. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ана шундай телерадиостанцияларнинг бошини қовуштириб келаётганига ҳеч қанча бўлгани йўқ. Ассоциация ҳудудий электрон ОАВларни ҳам иқтисодий, ҳам илмий-назарий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришни бош мақсади деб билади. 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан ташкил қилиниб, бир ҳафта давом этган тадбирлар ҳам ЎзЭОАВМА ўз мақсадлари йўлида собитқадам ташлаётганидан дарак беради.

Саёз қўшиқлар

фақатгина FM-радиоканалларининг муаммоси эмас!

2008 йил, 22 апрель. Тошкент. «Пойтахт» меҳмонхонаси. ЎзЭОАВМА ва Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳамкорликда «FM-радиостанциялар аудиториясининг ижтимоий қиёфаси ва мусиқий эҳтиёжлари. Мусиқий материални танлашда ғоявий мезонлар бўлиши шартми?» мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Давра суҳбатида FM-радиоканалларининг муҳаррирлари, журналистлар ва тегишли мутасаддилар иштирок этиб, миллий эстрада санъатининг ривожланиш жараёнлари, мусиқа ва ижрочилар, матнлардаги муаммолар хусусида фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳеч кимга сир эмас, бир неча йилдан бери айни мана шу мавзу долзарб бўлиб келмоқда. FM-радиостанциялар бошловчилари, ижрочиларнинг тил услублари, гапириш ва қўшиқ матнларидаги ғализликлар, шева ва "кўча сўзлари"нинг тез-тез ишлатилиши, эфир маданияти меъёрларига риоя этилмаётгани тингловчилар орасида ҳам, матбуотда ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда нодавлат радиостанциялар эфирини тингловчиларнинг 95 фоизи эшитади ва уларнинг аксариятини ёшлар аудиторияси ташкил этади. Кўриниб турибдики, ёшларнинг маънавий ва маданий тарбиясида ҳам FM-радиоканаллари катта ўрин тутади. Ана шулар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими Шоқаҳҳор Салимов яна лицензияси бор санъаткорларнинг ижролари радиостанциянинг ҳам бадиий кенгашида муҳокамадан ўтказилгандан кейингина эфирга қўйилиши фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади. Маърузачи республикамизнинг Берн конвенциясига қўшилганига уч йил тўлгани ва тез орада мазкур битим шартлари таомилга киритилиши ижрочиларнинг чет эл мусиқаларидан ёки ижроларидан билиб-билмай фойдаланишларига барҳам беришини айтиб ўтди.

— Кейинги пайтларда хонанда ва ижрочиларнинг лицензия олиб фаолият кўрсатишлари масаласи ижобий томонга ўзгармоқда, — дейди «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вакили Шерзод Муҳаммадиев. — Тегишли ҳужжатларни тақдим этиш жараёни енгиллаштирилаяпти. Афсуски, қатор хонандалар давлат рухсатномасига эга бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётир, бунинг устига қўшиқларининг баъзи нодавлат радиолари эфирига жойлаштирилиши қонунбузарликдан бошқа нарса эмас.

"Аъло FM" бош муҳаррири Олимхўжа Азимов эса: "Аслини олганда, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан 200-300 та хонандага лицензия берилган. Шуларнигина эфирга берадиган бўлсак, ҳар бир ижрочининг қўшиғи кунига олти мартадан янграшига тўғри келади. Табиийки, бу тингловчиларни секин-аста зериктиради ва радиостанциянинг аудиторияси кескин камайиб кетишига сабаб бўлади", дейди.

Шу ўринда радиотўлқинларда бир қўшиқнинг ҳар соатда такрор бўлмаслиги учун фақат мусиқа-қўшиқ билан чекланиб қолмай, ранг-баранг радиоэшиттиришлар тайёрлаш ҳам керак эмасми, деган фикрни айтишни ўринли деб топдик.

Семинарда "Ўзбекнаво" бирлашмаси томонидан санъаткорларга лицензия бериш тартибини қайта кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Ассоциация бошқаруви аъзоси Аъзамхон Ҳакимов баъзи босма нашрларда эълон қилинаётган мақолалардаги FM-радиолари, уларда берилаётган мусиқаларга нисбатан билдирилган танқидий фикрларнинг асосга эга экани, аммо танқид объектлари фаолиятининг бугунги кунда тубдан ўзгаргани, эфирга жойлаштирилаётган ижрочи ва мусиқаларнинг радио бадиий кенгашлари муҳокамасидан ўтказилиши, шунингдек, мусиқалар радиостанция форматидан келиб чиқиб танланишини маълум қилди.

Давра суҳбатида Миллий ассоциация ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирнинг нодавлат радиостанциялар эфирини миллий анъаналарга мос, замонавий, мазмун ва моҳият жиҳатидан савияси баланд қўшиқлар билан бойитилишида аҳамияти катта экани қайд этилди. Бу каби учрашувларни ҳар чоракда ўтказиш, галдаги очиқ мулоқотларга ўзбек миллий эстрадасини ривожлантиришга дахлдор ташкилот ва муассасалар, мутахассис ва бастакорлар, ижрочиларнинг ўзларини ҳамда босма нашрлар муҳаррир ва журналистларини ҳам таклиф этишга келишиб олинди.

Жавоб ташрифи

ҳудудий телестанцияларнинг ижодий алоқалари ривожланиб бормоқда

2008 йил, 27 апрель. Самарқанд. Нодавлат телерадиоузатувчиларни ривожлантириш дастури доирасида Бухоро вилоятидаги "Истиқлол", "Коинот" ва "Осиё" телестанцияларида фаолият юритувчи 60 нафар ижодкор ходим "Самарқанд-СТВ" телевизион ижодий уюшмасида бўлди.

ЎзЭОАВМАнинг хайрли ишларидан бири ҳудудий телестанциялар орасидаги ижодий алоқаларни йўлга қўйиши ва босқичма-босқич бу ҳамкорликни ривожлантириб бораётганидир. Бу эса ҳудудий тележурналистлар учун ижодий мулоқотлар олиб бориш, истиқболли ҳамкорликлар ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашишга имконият яратмоқда.

Шу йилнинг 16 март куни "Самарқанд-СТВ" телекомпаниясининг 50 дан зиёд вакили Бухорода фаолият юритаётган ҳудудий телестанцияларга ташриф буюрган эди. Бухоролик-ларнинг кўҳна Самарқандга келишлари ўзига хос жавоб ташрифи бўлди.

Меҳмонлар "Самарқанд-СТВ" телекомпаниясининг тасвирга олиш майдонлари, монтаж студиялари, Ахборот маркази, дастурлаш маркази ва бошқа бўлимлари билан танишдилар. Ҳамкасблар мулоқоти чоғида "Самарқанд-СТВ" телекомпаниясининг 15 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шунингдек, телекомпаниянинг 2008 йилга мўлжалланган лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Иштирокчилар тадбир икки томонлама фойдали бўлгани, ўзаро ташрифларни янада кўпайтириш кераклигини таъкидлашди. Бу каби тажриба алмашишлар шубҳасиз ўз самарасини бериши, ҳудудий телестанциялар фаолиятининг ранг-баранглашиши ва жонланишига таъсири катта эканлиги эътироф этилди.

Шунингдек, бухоролик меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни, хусусан, Имом ал-Бухорий мажмуаси, Гўри Амир ва Шоҳизинда мақбаралари, Регистон майдони ва Улуғбек расадхонасини зиёрат қилишди.

Ташриф иккала телестудия жамоалари, самарқандлик артистлар иштирокидаги байрам кечаси билан якунланди.

2008 йил, 29-30 апрель. Тошкент. «Шодлик-палас» меҳмонхонаси. Вилоятлардаги ёшлар студияларининг журналистлари, операторлари, монтажчилари ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ОАВ йўналишлари етакчилари ва Ахборот маркази лойиҳасида иштирок этувчи ҳудудий журналистлар учун "Ёшлар студияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш. Ёшлар орасида соғлом ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилиш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинарни ЎзЭОАВМА бошқаруви раиси Фирдавс Абдуҳолиқов, UNFPA ваколатхонасининг репродуктив саломатлик бўйича миллий маслаҳатчиси Феруза Фозилова, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Баҳодир Шарофовлар ўз маърузалари билан очишди.

Ёшларга эътибор

соҳа истиқболини таъминлайди

— Ўйлайманки, тадбир давомида олинган билим ва кўникмалар келажакда ёш журналистларимизга ўз фаолиятларида асқотади, — дейди Феруза Фозилова. — Ёшлар ҳаёти, бугунги ўй-хаёллари-ю ташвишларини ҳеч ким уларнинг ўзларидек яхши билмаса керак. Шу маънода ёш журналистларнинг ўз тенгқурлари ҳақида тайёрлаган дастурлари, албатта, қизиқарли бўлади, деган фикрдаман. Уларга фақат озгина йўналиш берилса, бас.



Семинар-тренингнинг биринчи куни назарий машғулотларга бағишланди. Сабоқларни ЎзЭОАВМА тренери Альфия Харченко ва ЎзЭОАВМА Ахборот марказининг ижодий продюсери Бахтиёр Тўрахоновлар олиб борди. Машғулотлар қизиқарли кечди, баҳс-мунозарага бой бўлди. Ёш ижодкорлар ўзлари учун керакли маълумотларни олишди. "Келажак овози" ЁТМнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими фаоли Собира Султонова таассуротларини мана бундай ифодалайди: "Кўп ишни оператор қилади, деб ўйлардим. Мен бугун шу нарсага амин бўлдимки, асосий масъулият журналистнинг бўйнида бўлар экан, у керак бўлса операторларни ҳам йўналтира билиши керак экан".

Семинарнинг иккинчи куни иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, ахборот лавҳаларини тайёрлашди. Бунинг учун улар шаҳардаги турли объектларга чиқиб, тасвирга олиш ишларини бажаришди. Йиғилган материаллар монтажини ҳам ўзлари амалга оширдилар. Ёш ижодкорларнинг шижоати ҳатто тажрибали журналистларни ҳам ҳайратга солди.

— Икки кун давомида ёш журналистлар билан ҳамкорликда ишладик, — дейди "Мулоқот-ТВ" мухбири Мухсин Юсупов. — Бемалол айтишим лозимки, улардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Ёшларнинг ташаббускорлиги, интилувчанлиги жуда юқори. Ҳатто баъзи бир масалаларда бизни ҳам ўйлантириб қўйишмоқда, таажжубга солишмоқда. Демак, тележурналистикамизнинг эртанги кунидан хавотирга тушмасак ҳам бўлади.

2008 йил, 1 май. "Радиссон" меҳмонхонаси. "Ҳудудларда ёш ижодкорлар телестудияларини ташкил этиш" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг фаол ижтимоийлашуви журналистик инновациялар объекти ва субъекти сифатида" мавзусида ёшлар медиа-форуми бўлиб ўтди. Форумда ёшлар билан бир кун олдинги олиб борилган машғулотлар мисолида бугунги ёш тележурналистлар фаолияти, ютуқлари ва уларга қандай ёрдам кўрсатиш мумкинлиги ҳақида сўз юритилди.

Дилафрўз Қулматова, "Ҳудуд" ахборот-таҳлилий дастурининг бухоролик мухбири:

— Кеча ёшлар билан ҳамкорликда лавҳалар тайёрлаш жараёнида ўзимни биринчи марта мураббий, устоз сифатида ҳис этдим. Бу касбнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари кўп экан. Ўзинг фаолиятингда қўллайдиган тажрибаларингни ҳам бировга ўргатиш осон кечмас экан. Айниқса, интилувчан, қизиқувчан йигит-қизлар билан ишласанг...

Форум якунида 29-30 апрель кунлари "Шодлик-палас" меҳмонхонасида бўлиб ўтган семинар-тренинг давомида ёш журналистлар тайёрлаган энг яхши ахборот лавҳалари намойиш этилди ва муаллифлари махсус совғалар билан тақдирланди.

Анжуман. Тақдимот. Фестиваль

2008 йил, 2 май. Тошкент. "Интерконтинентал" меҳмонхонаси. ЎзЭОАВМА аъзоларининг 3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган "Нодавлат электрон ОАВ тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари. Сўз эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқи, журналистнинг фаол фуқаролик позицияси" мавзусидаги умумий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари нодавлат электрон ОАВ тажрибаси ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, масс-медиа эркинлиги соҳасидаги халқаро андозалар борасида ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиб, мамлакатда ОАВни эркинлаштириш, модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнларини ҳамда сўз эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқи ва журналистнинг фаол фуқаролик позицияси билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди.

Шунингдек, анжуман давомида ЎзЭОАВМАнинг бу борадаги фаолияти ҳақида журналистлар билдирган фикр-мулоҳазалардан иборат ҳужжатли фильм намойиш этилиб, "Очиқ микрофон" давра суҳбати ҳам ўтказилди.

— Биз мана уч кун давомида семинар-тренингларда қатнашмоқдамиз, жудаям кўп фойдали маълумотларга эга бўлдик. — дейди Хоразмдаги ёшлар студияси координатори Отабек Ботиров. — Биз ўзимизни журналист деб ўйлардик, лекин аслида бу соҳада ҳали билмаган жойларимиз кўп экан. Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси томонидан шундай тадбирларнинг ўтказилаётгани бизга қанот бўлаяпти. Бунинг учун ташкилотчиларга ўз ташаккуримизни билдирамиз.

Конференцияда "Ёшлар йили" Давлат дастурини бажариш доирасида ЎзЭОАВМА аъзоларига радиореле линияларини олиш учун сертификатлар ҳамда вилоятларда ташкил этилган ёшлар радиостанциялари учун махсус ускуналар топширилди.

"Туркистон" саройи. Куннинг иккинчи ярмида нодавлат телерадиостанциялар вакиллари журналистика соҳасида "Олтин қалам" III Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида қатнашдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, танловга ассоциация томонидан нодавлат телерадиоузатиш соҳасида фаолият юритувчи журналистларнинг 400 дан зиёд ижодий ишлари тақдим этилганди. ЎзЭОАВМА номидан иштирок этган 3 нафар ижодкор "Олтин қалам" III Миллий мукофотига муносиб топилди.

«Истиқлол» ресторани. Шу куни конференциянинг барча иштирокчилари ҳар йили ассоциация томонидан Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиб келинаётган "Журналист баҳори" анъанавий фестивалининг меҳмонлари бўлишди. Фестиваль дастурини миллий таомлар танлови, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари ҳамда ҳудудий телестанцияларнинг ижодий жамоалари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари безади.

«Журналист баҳори» фестивали чоғида Наврўз байрамига бағишланган энг яхши теледастури, миллий таомлар танловида оригинал таомлар билан иштирок этгани, энг қизиқарли саҳна кўриниши ҳамда фестивалдаги фаоллиги учун биринчи ўрин Хоразмнинг "S-Iqbol" телестанциясига берилди. Ғолиб жамоа компьютер билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эгаллаган "Самарқанд-СТВ" телестанциясига телевизор ва DVD-плеер топширилди. Учинчи ўрин соҳиблари бўлган "Жиззах-ТВ" ва "Истиқлол-ТВ" телестанцияларига телевизор совға қилинди.

Дейдиларки...

Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин. Лекин эрксиз матбуот фақат ёмондир.

Альбер Камю

Имконият кенг, режалар бисёр

2008 йил, 3 май. Тошкент. "Бунёдкор" ёшлар клуби. Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий Ассоциацияси Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган тадбирларини давом эттирди. Шу куни "Бунёдкор" ёшлар клубида нодавлат телерадиостанциялар директорлари, масъул муҳаррирлари ҳамда Ахборот маркази лойиҳасида иштирок этувчи ҳудудий телестанциялар журналистлари иштирокида 4 та семинар бўлиб ўтди.

Ахборот маркази лойиҳасида қатнашувчи журналистлар учун семинар давомида иштирокчилар ЎзЭОАВМА тренери Альфия Харченко ва Ахборот маркази бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Ирисмат Абдуҳолиқов бошчилигида ҳудудий телестанциялар томонидан шу йилнинг биринчи чорагида тайёрланган ахборот лавҳаларининг кучли ва заиф томонларини таҳлил қилишди.

Шу билан бирга, журналистлар ахборот дастурларини тайёрлаш жараёнига замонавий технологияларни жорий этишга, жумладан, тўғридан-тўғри репортажлар сони ва сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Бир пайтнинг ўзида ҳудудий телестанциялар раҳбарлари ва масъул муҳаррирларининг **"Қонунлар очиқлиги, уларнинг ҳудудий электрон ОАВ томонидан бажарилиш кафолатлари"** мавзусидаги қўшма семинари бўлиб ўтди.

Қўшма семинар чоғида иштирокчилар ҳудудий телестанцияларнинг ОАВ ва реклама соҳасидаги қонунчилик меъёрларига амал қилишлари муҳокама этилди.

Куннинг иккинчи ярмида ЎзНТТ тармоғига аъзо телестанциялар директорлари кенгашининг **"Ҳудудий телестудияларга ЎзНТТ телесигналини марказлашган ҳолда тезкор етказиб беришни ташкил этиш"** лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари мазкур лойиҳанинг биринчи чорак якунларини, шунингдек, ЎзНТТ эфирининг сифатини ошириш, ҳудудий телестанциялар томонидан жўнатиладиган телекўрсатувларнинг ранг-баранглигини таъминлаш масалаларини муҳокама қилишди.

Ҳудудий телестанциялар масъул муҳаррирлари эса **"Амалдаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда эфирни бошқариш – масъул муҳаррирнинг долзарб вазифаси"** мавзусидаги давра суҳбатига йиғилишди.

Семинар қатнашчилари нодавлат телестудиялари томонидан "Ёшлар йили" Давлат дастурининг бажарилиш жараёнини ёритиш масалаларини муҳокама қилиб, мусиқий асарларни танлашдаги талаб мезонларини, эфирга узатилаётган қўшиқларнинг бадиий ва ижро савиясини кўриб чиқишди. Шунингдек, ҳудудий телестанциялар вакиллари ўз телестанцияларининг ягона эфир жадвалига амал қилиши билан боғлиқ масалаларни ҳамда ЎзЭОАВМА қошида ташкил этилган муҳаррирлик гуруҳи фаолиятини муҳокама қилишди...

Тан олиш лозим, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орасида радио ва телевидениенинг аудиторияси ҳам, таъсир доираси ҳам кенг. Аслини олганда ҳам, телерадионинг кўнгилочиш вазифасидан кўра ахборот тарқатиш, шу орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги хизматлари аҳамиятлироқ. ОАВ ўз вазифаларини тўла бажариши ва ундан оқилона фойдаланиш учун чуқур билим, юқори савия керак бўлади. Айтиш мумкинки, ЎзЭОАВМАнинг ҳудудий телерадиостанцияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, бунга имконият бор, режалар эса бисёр.

Улуғбек МАҲКАМОВ,
журналист.

ЖАРАЁН

АРЗ

Қалбаки ҳужжатлар, **сохта имзолар**

ёки кўзбўямачилик асосида олди-сотди шартномаси имзоланганлиги ҳақида

Ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилишимга тўғри келади. Мен 1993 йили Сариосиё шаҳарчаси "Аэропорт" кўчасида жойлашган 2-уйни қўшнимиздан сотиб олдим. Давлат нотариуси Қурбоной Раҳимованинг кўз ўнгида келишилган пулни уй эгасига нақд санаб бердим. Кейин белгиланган давлат божини ҳам тўладим. Пулни олган хонадон соҳибаси Людмила Захарова менинг хоҳишимга биноан турмуш ўртоғим Кўзигул Худойбердиеванинг номига мулкка эгалик қилиши ҳақида ишончнома берди. Бор гап шу. Аввалида ҳеч қандай гап-сўз ҳам, муаммо ҳам йўқ эди.

Аммо... 2000 йилнинг кузида қайнсинглим Гулсара Алимардоновани уйи ёниб кетди. Қайнисинглим оиласи билан уй-жойсиз кўчада қолди. Шунда биз оиламиз билан маслаҳатлашиб, Л.Захаровадан сотиб олган ва бўш турган уйни вақтинчалик яшаб туришлари учун уларга бердик.

Тақдир экан, шу воқеалардан сўнг маълум вақт ўтгач, менинг умр йўлдошим вафот этди. Шундан кейин қайнисинглим Гулсара Алимардонова: "Ўй меники, уни мен сотиб олганман", деб туриб олса бўладими?!

Минг афсуски, у давлат нотариуси Қурбоной Раҳимова билан тил бириктириб, Людмила Захарова гўёки уйни Гулсаранинг онаси пенсионер Холбиби Алимардоновага сотганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тўплаган экан.

Албатта, бу ҳужжатларнинг сири ошкор бўлди. Чунки ҳақиқатни яшириб бўлармиди?! Ёлғон деганлари чок-чокидан сўкилиб кетаверади.

Қарасам олди-сотди шартномасидаги имзолар қалбакилаштирилибди.

Ана шу шартнома қайд қилинган нотариуснинг реестр китобидаги сотувчи ва олувчининг имзолари ҳам сохталаштирилганлигини кўриб ёқа ушлаб қолдим.

Шунинг учун мен Сурхондарё вилоят адлия бошқармасига шикоят билан мурожаат қилдим. Аммо улар ҳақиқатни ойдинлаштиришмади.

Орадан бир йилча ўтди. Шу вақт мобайнида мен асабларимни, вақтимни йўқотиб қанча сарсону саргардон бўлдим. Афсуски, "қилни қирқ ёрувчи" қонуншунослар ҳам, одил суд ҳам ва бошқа ваколатли идоралар ҳам бу кўзбўямачиликка кўз юмишмоқда.

"Мен нима дейман, қўбизим нима дейди", деганларидек, аризамда бир нарсани сўрасам, судлар бошқа нарсани гапиришиб, ёзишиб, ўзлари билганча ажримлар чиқаришмоқда.

Мурожаатларимда мен бор-йўғи битта масалани кўндаланг қўйган эдим: нотариус тасдиқлаган сохта ҳужжатларни текшириб, масалага ойдинлик киритиш!

Олди-сотди шартномасидаги имзолар қалбаки эканлигини уйини менга сотган хонадон эгаси Л.Захарова ҳам тасдиқламоқда. У: "Холбиби Алимардонова билан ҳеч қандай олди-сотди шартномаси тузмаганман, нотариус ҳужжатларидаги меники дейилаётган имзолар ҳам сохта", деб кўрсатма бериб турибди.

Мен ҳатто қайнонам Холбиби Алимардонованинг ҳақиқий имзоси қўйилган бошқа ҳужжатларни солиштириш учун тақдим этсам ҳам, бунга ҳеч ким эътиборга олмаяпти.

Энди нотариус мулк олди-сотди китобидаги ёзув ҳақида: 1996 йил 16 февраль санаси ва 59-сон қайд рақами билан битилган бу ёзувда гўёки сотувчи ва олувчи бўлмиш Л.Захарова ва Х.Алимардоноваларнинг имзолари турибди. Аммо улар, юқорида айтганимдек, кўзбўямачилик маҳсули.

Хуллас, нотариус томонидан ҳужжатлар сохталаштирилгани аён. Буни аниқлаш учун оддийгина бир хатшунослик экспертизасини тайинлаш кифоя. Аммо ҳеч ким буни тайинлагиси келмаяпти.

Мен бир йил мобайнида туман ва вилоят прокуратураларига, адлия бошқармасига, фуқаролик ишлари бўйича туман, вилоят судларига мурожаат қилдим. Бузилган ҳуқуқларим тикланишини илтимос қилиб аризалар бердим. Афсуски...

Вилоят адлия бошқармасидан П.Бобоёров имзоси билан, "Важларингиз асоссиз, судга мурожаат қилинг", деган мазмунда хат олдим. Аммо мен сўраган экспертизани тайинлаб, имзолар, демакки, ҳужжатлар қалбакилигини очишни юқорида айтганимдек, ҳеч ким бўйнига олишни истамайди. Аксинча, очиқчасига нотариус Қ.Раҳимованинг тарафини олишмоқда. Ҳолбуки, унинг нотариуслик фаолиятида бундан бошқа нуқсонлар ҳам тўлиб-тошиб ётганлигини вилоятдаги ҳуқуқ идоралари мутасаддилари яхши билишса керак. Масалан, 1995 йилда "Саддам" хусусий дўкони бўйича мазкур нотариус иштирокида тузилган ноқонуний олди-сотди шартномаси суд томонидан бекор қилинган эди. 1996 йили сариосиёлик Равшан Чориевнинг уйини уй эгасининг розилигисиз бировлар номига Қ.Раҳимова томонидан қонунсиз ҳужжатлаштириб берилгани ҳам, ушбу қонунбузарликка одил суд ҳукми билан чек қўйилгани ҳам рост. 2001 йили эса дашнободлик Йўлдошева Саломат ва Нозимов Тоштемирларнинг низоли уйи борасида ҳам қалбаки имзолар билан нотариал ҳаракатларни амалга оширган. Қ.Раҳимованинг бу ноқонуний ҳаракатлари ҳам суд томонидан бекор қилинган эди. Бу каби ишлар ўтиб кетди десак, ҳалиям нотариус Қ.Раҳимова "сохта имзо ясаш касали"дан қутилмаган кўринади. Энди бизнинг уйимизни сохта имзоли, сохта ҳужжатларга таянган ҳолда бошқага ҳужжатлаштириб турибди. Буни адлиячилар тушунмайди дейсизми?

Ноилож, Сариосиё туман прокуратурасига ҳам мурожаат қилдим. Улар аризамни судга жўнатиб қўя қолишди. Шу ерда қизиқ бир ҳолат: кейинчалик нотариус Қ.Раҳимова менинг устимдан тўҳматга тўла шикоят ёзганида, туман прокуратураси негадир ушбу "шикоят"ни судга жўнатмади. Балки мени чақириб тергов қилишди. Буни қандай тушунса бўлади? "Қарға-қарғанинг кўзини чўқимайди", — деганлари шумикан ё?

Вилоят прокуратурасига ёзган аризам туфайли фуқаролар мурожаатлари билан шуғулланадиган прокурор Моҳира Қурбонова қабулида ҳам бўлдим. У хонадон эгаси Л.Захарова вилоят прокурори номига ариза билан мурожаат этса, иш ҳал бўлади, — деди. Л.Захарова у айтган мазмундаги аризани ёзди. Аммо масала барибир ҳал бўлмади.

Шеробод туманлараро фуқаролик суди ҳам имзоларни текшириб ўтирмасдан, ишни кўрмасдан қолдиришни лозим деб топди. Денов туман суди ҳам худди шундай йўл тутди.

Уларнинг ҳаммалари ҳам уй эгаси бўлган Людмила Захаровонинг: "Уйни мен Қудрат Худойбердиевга сотганман. Бошқа ҳеч ким билан ҳеч қандай олди-сотди шартномаси тузганим йўқ" деган ариза, ишонч хати ва шикоятларини эътиборсиз қолдиришяпти.

Менга алам қиладиган томони шуки, судлар ажрим чиқарар экан, сиз шартнома бўйича тараф эмассиз, деб эътироз билдиришмоқда. Бу қандай мантиқсиз даъво бўлди ахир?! Шунинг ўзиёқ уларнинг имзолари қалбаки ва ўзи сохта бўлган шартномани қонуний деб тан олишаётганини кўрсатмайдими?

Нима бўлганда ҳам, мени бир фуқаро сифатида бир нарса хурсанд қиладики, ҳуқуқий жамият қуриш йўлида юртимизда жуда катта хайрли ишлар амалга оширилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, судларнинг ўрни, мавқеи мустаҳкамланмоқда.

Англашимча, ҳуқуқий-демократик жамиятда ҳар бир шахснинг, фуқаронинг ҳуқуқлари, шу жумладан, хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ҳурмат қилиниши, қонун йўли билан қатъий муҳофаза қилиниши даркор.

Ишонаманки, ҳақиқат рўёбга чиқади, адолат юз кўрсатади. Мени эшитадиган, ҳақиқатни рўёбга чиқарадиган кишилар ҳам топилади.

Қудрат ХУДОЙБЕРДИЕВ
Сариосиё тумани.

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

Улуғ айём шукуҳи

Иккинчи жаҳон урушида Андижон вилоятидан 97,5 минг киши қатнашиб, шулардан 54,5 минг киши юртига қайтган эди. "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими маълумотига кўра ҳозир улардан 1092 нафар улуғ ёшли табаррук инсонлар умргузаронлик қилмоқда.

Юртбошимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони билан уруш фахрийларининг ҳар бирига 80 минг сўмдан пул мукофотлари берилди. Қолаверса, Андижон шаҳри марказидаги Хотира майдонидаги лавҳларга аввал номлари кирмай қолган — бедарак йўқолган жангчиларнинг исм-шарифлари ёзиб қўйиладиган бўлди.

Байрам куни уруш ва меҳнат фахрийлари учун тўкис дастурхонлар ёзилди. Беморлар ҳолидан хабар олинмоқда. Улар иштирокида ёшлар билан учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ташкил этилмоқда.

Андижонда Хотира ва Қадрлаш куни олдидан қабристонларнинг саришталиги борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилди. Биргина Ёркент шайх қабристонида саховатли инсонлар кўмаги билан ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Иш керакми? Муаммосиз!

Андижон вилоятида "Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдан қайтган аскар йигитларни, олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида йил мобайнида 13 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиши режалаштирилган.

Йилнинг биринчи чорагида 3 марта ана шундай тадбирлар ўтказилиб, 473 нафар ёшлар доимий ишга жалб этилди. Андижон шаҳрида ўтказилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида яна 110 нафар йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди. Улардан 35 нафарини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этади.

Эътиборлиси, "Микрокредитбанк"нинг Андижон вилояти бўлими томонидан касб-ҳунар коллежларининг 23372 нафар битирувчисига якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун бошланғич сармоялар ажратиладиган бўлди. Энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдоридаги бу кредитлар 5 фоизли устама билан берилади. Албатта, ўз вақтида берилган молиявий кўмак ёш мутахассисларнинг дастлабки фаолият юритишларига амалий ёрдам бўлади.

"Ёшлар йили"да хусусий тадбиркор ва кичик бизнес эгаларига бериладиган кредит ҳажми умумий миқдори 1 миллиард сўмга етказилиб, 6 мингтадан ортиқ иш ўринлари очишга эришмоқчимиз, — дейди "Микрокредитбанк"нинг Андижон бўлими бошқарувчиси Дилшодбек Сатторов.

— Бунинг учун чекка туманларидаги мини банк фаолиятларини янада фаоллаштиришимиз зарур.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
"Хуррият" мухбири.

БАНК ВА МИЖОЗ

Микрокредитбанк: «Яқин кўмакчи, **фойдали ҳамкормиз»**

УЙ БЕКАЛАРИ ИШЛИ БЎЛДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги салмоғи яна ҳам ортиб бормоқда. Мазкур соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида 2006 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Натижада, республикамизда кичик бизнес субъектларига микромолиявий хизмат кўрсатишга ихтисослашган, хусусий тадбиркорликни, жумладан, якка тартибда меҳнат фаолияти, оилавий бизнес, касаначилик билан шуғулланаётганларнинг саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш, фермерлар ишини рағбатлантириш ва кенгайтиришга кўмаклашиш учун имтиёзли моддий ёрдам беришга ихтисослашган молиявий муассаса ташкил этилди.

Аввало, шуни айтиш керакки, ўтган давр мобайнида банкнинг белгиланган устав капитали тўлиқ шакллантирилди ва айни пайтда 75,6 миллиард сўмни ташкил этди. 2007 йилнинг ўзида, хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига 2006 йилга нисбатан 2,2 баробар кўп миқдорда, яъни 56 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига 40 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ўтган йилнинг ўзида ҳудудларда банкнинг 30 мини банки ташкил этилди. Натижада, республикамизнинг турли ҳудудлари, жумладан, Қўшработ, Нуробод, Кегайли, Қораўзак, Улуғнор, Бўз, Деҳқонобод, Ғузор, Учқудуқ, Томди, Конимех, Бандихон, Ҳазорасп, Гурлан каби туманларда ҳам банкнинг 75 филиали ва 270 мини банки ва қатор агентликлари фаолият юритмоқда.

Банк аҳолининг турли қатламлари билан ҳамкорлик олиб борди. Айниқса, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида аёл тадбиркорларга 11,1 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди ва улар ҳисобидан 12 322 та иш ўринлари яратилди.

Ажратилаётган микросармоялар фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини шакллантиришда қўлланилмоқда. Айниқса, янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига имтиёзли, энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоригача бўлган суммада кўрсатилаётган микролизинг хизматлари миқдори 6,9 миллиард сўмни ташкил этиб, фермер хўжаликлари лизинг асосида 3,1 миллиард сўм миқдорида қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди.

ҲАМКОРЛИК

Банк ўз фаолиятини республикамизнинг кўплаб жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этмоқда. Булар — Хотин-қизлар қўмитаси, Ишбилармон аёллар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси", "Ҳунарманд" уюшмаси каби жамғарма ва уюшмалардир.

Жумладан, "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" билан ҳамкорликда Жиззах, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, вилоятларида намунали фаолият юритаётган фермер аёллар рағбатлантирилди ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бугунги кунда тадбиркор ўз фаолиятини бошлашдан тортиб, ўз корхонасини замонавий саноат корхонаси даражасига кўтаргунига қадар банк билан бемалол мулоқот қилиш имкониятининг яратилиши мижозлар учун жуда қулайлик яратмоқда. Шу боис янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларининг банк билан ҳамкорлик доиралари кенгайиб бормоқда.

"Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йилда банк тузилган махсус дастур асосида ишлади. Мазкур дастурга асосан Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги оилавий болалар уйлари билан доимий мулоқот йўлга қўйилди. Болалар уйларининг даромад манбаларини кўпайтириш мақсадида ўз бизнесларини жонлантиришлари ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 8,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Биргина аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, меҳнатга жалб қилиш орқали уларнинг оилаларига даромад манбаи яратиш мақсадида 6 минг 708 та кам таъминланган оилага 6,2 миллиард сўм миқдорида чорва моллари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун 2007 йил давомида 12 минг 816 ёш оилага 16,6 миллиард сўмлик кредитлар берилди.

ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

Юртбошимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар олиб борилди. Микромолиявий хизматлар кўрсатишда асосий эътибор узоқ қишлоқ жойларда аҳолига замонавий ва сифатли сервис хизмат турларини кенгайтиришга қаратилди. Биргина 2007 йил давомида ушбу мақсад йўналишига 7,6 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Мазкур қарор ижроси юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Иқтисодиёт вазирликлари билан биргаликда "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа" кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда асосан "Микрокредитбанк"дан сармоялар олиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида энг яхши лойиҳалар асосида ўз ишларини ташкил этган мижозлар иштирок этди. Асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг меҳмонхона хизмати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, буюртма асосида реклама хизматларини бажариш, сартарошхона, суратхона хизматлари, тиббий хизматнинг – стоматология, ташхис қўйиш каби хизматларни ўзида мужассам этган лойиҳалар тақдим қилинган.

Ғолиблар учун учта ўрин таъсис этилган эди. Шунингдек, "Энг ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа", "Қишлоқдаги энг яхши замонавий маиший хизмат кўрсатиш обеъкти" ва "Аёл тадбиркор томонидан тақдим этилган замонавий хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳа" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Бундан ташқари 2007 йилнинг февраль ойида "Микрокредитбанк" Шарқий Европа ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бўйича Микромолиялаш марказининг Польшадаги Халқаро микромолиялаш маркази аъзолигига қабул қилинди.

Микрокредитбанк акциядорлик-тижорат банкининг Қашқадарё вилоят филиали "Ташаббус-2007" республика кўрик-танловида "Энг яхши молиявий муассаса" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

НАҚД НАТИЖАЛАР

Тадбиркорлар микросармоялар олиб яхши самараларга эришмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида Гулнора Ембергенова кичик корхона очиб, банк кредити ҳисобидан ўзбек ва қорақалпоқ халқ нақшлари асосида безалган 25 турли буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У тарихий ҳужжатлар воситасида қадимги қалпоқ ва бошқа либослар, шол рўмол нусхаларини топиб, уларга нозик нақшлар билан безак берди. Корхонага ишга жалб этилган 9 та чевар қўлида сайқал топган рўмоллар, жилдлар, аёллар сумкалари ва бошқа буюмлар халқаро бозорда ҳам ўзининг муносиб баҳосини топмоқда.

Томди туманидан Фарида Муҳаммедова кигиз босишни йўлга қўйди. Сўнгра ўтов тиклашга ўтди. Эндиликда 5 миллион сўм маблағ билан иш бошлаган "Жигир" корхонасининг маҳсулотлари қўлма-қўл бўлиб кетмоқда.

Тўртқўллик Зуҳра Қаландарова ҳам банкдан микросармоя олиб, ўз корхонасида ип йигириш ва турли газламалар тўқишни йўлга қўйган эди. Бугунги кунда ушбу матолардан турли буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Худди шунингдек, ана шу туманда фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Соҳиб Матназаров ҳам микрокредит олиб, гиламларга портретлар ишлашни йўлга қўйди.

Навоий вилояти Нурота тумани "Тўмарис" фермер хўжалиги раҳбари Фотима Ниғматова банк кредити ҳисобидан чорвачилик, деҳқончиликни йўлга қўйиш билан биргаликда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этди.

Шу туманда касаначиликни ташкил этган Дилором Эшова банкдан микрокредит олиб, Нурота каштачилиги довруғини бутун дунёга таратишга ҳаракат қилмоқда.

Якка тартибда фаолият юритаётган Балиқчи туманидаги Дилфуза Аҳмедова, Избоскан туманидаги Асила Юлдашева, шофирконлик Маҳфуза Юлдашева, жондорлик Олия Султонова, ғаллаороллик Гавҳар Асатуллаева, шаҳрисабзлик Феруза Очилова, мубораклик Нодир Зарипов, қизилтепалик Ҳафиз Тўрақулов, риштонлик Неъмат Собиров каби кўплаб тадбиркорлар бугунги кунда уйда кўрпа ва кўрпача, тўн, каштали ва зарли либослар тикиш, мисгарлик ва кулолчилик сирларини шогирдларига ҳам ўргатиб келмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш бўйича ҳам узоқни кўзлаган ҳолда ишлар олиб борилмоқда.

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ва Бирлашган миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди. Унга кўра Тошкент вилоятининг иккита туманида кредит линиясининг кичик грантлар дастури бўйича ажратилган сумма тўлиқ ўзлаштирилди.

Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалигини таркибий қайта тузиш агентлиги ўртасида шартнома имзоланди ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки линияси ҳисобидан 445 минг АҚШ доллари миқдорида Шеробод, Марҳамат, Нишон ва Элликқалъа туманларида лойиҳалар молиялаштирилди.

Ислом тараққиёт банкининг 4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини жалб қилиш юзасидан имзоланган меморандум асосида ушбу линияни жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банклари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиши бўйича ишлар ташкил этилди.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг барчаси республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар бир оила учун доимий ва ишончли даромад манбалари яратиб, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Мазкур йилнинг биринчи чораги натижалари ҳам банк фаолияти ривожланишда давом этаётганини тасдиқламоқда. "Ёшлар йили" Давлат дастури талаблари асосида кўплаб тадбиркорлар ва ёш оилаларга кредит маблағлари ажратилди. Эндиликда банк мижозлари сони тобора ошиб, дилида яратиш, бунёдкорлик ҳисси бўлган кўплаб ватандошларимиз ўз иш ўринларига эга бўлишмоқда. "Микрокредитбанк" ҳар бир хонадонга кириб бориш ва фаровонликка эришиш йўлида ҳар бир оилага яқин кўмакчи бўлишига шубҳа йўқ.

Ҳаким МУҲАММАДИЕВ ®

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Муҳими — ишончни қозониш

лекин уни ҳар куни мустаҳкамлаб бориш керак

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK
BANK
XALQ BANKI

Жорий йилнинг февралида Республикамиз Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Унда, асосан, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш; эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни кенгайтириш вазифалари белгилаб берилганди. Фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар бугун ўз натижасини бермоқда.

Президент Фармони талабларининг мижоз манфаатларини ёқловчи ва кафолатловчи энг муҳим жиҳати шундаки, эндиликда ҳар қандай киши банкда ўз ҳисобварақасини очиш ва миллий ёхуд хорижий валютадаги маблағини чекланмаган миқдорда (маблағнинг келиб чиқиш манбаларини кўрсатмаган ҳолда) омонатга қўйиш имкониятига эга бўлди. Банкка қўйилган маблағлар солиқ ва шу каби мажбурий тўловлардан озод қилинди. Шу билан биргаликда, ҳар қандай назорат органи томонидан омонат қўювчи жисмоний шахснинг даромад манбасини суриштириш ҳамда банк сири бўлган бошқа маълумотларни талаб қилиниши қатъиян ман этилган.

Республикамиз, шу жумладан, Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ҳатто энг олис қишлоқ маҳаллаларида ҳам Халқ банки бўлимлари фаолият юритиб турибди. Шу боисдан ҳам жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этилишида яхши самараларга эришиляпти. Айниқса, омонатчиларнинг биринчи талабидаёқ депозитлардан маблағларнинг берилиши таъминланганлиги, фоиз даромадларининг ойма-ой ёки омонат очилган кунинг ўзидаёқ олиш, шунингдек, коммунал тўловларга йўналтириш имконияти туғилгани ҳам самарадор омиллардандир.

Табиийки, аҳолининг бўш пул маблағларини кўпроқ банк депозитларига жалб қилиниши банкнинг кредит имкониятларини кенгайтиради. Ўз ўрнида иқтисодиётимиз ривожи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестицион жараёнларда янаям кенгроқ қатнашиш шароитини яратади.

Шунингдек, Халқ банки Фарғона вилояти филиалларида маслаҳатчи-менеджер штатлари жорий этилиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш турлари бўйича асосли равишда тушунтиришлар йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини кўрсата бошлади. Масалан, вилоят бўйича жорий йилнинг биринчи чорак кўрсаткичи ўтган йилдагига нисбатан муддатли омонатлар 476 миллион сўмга, жамғарма омонатлари қолдиғи эса 171 миллион сўмга ўсди.

Айни пайтда вилоятнинг пахта ва ғалла, мева-сабзавот етиштириш, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ихтисослашган 1832 та фермер хўжалиги Халқ банки бўлимларида ўз ҳисоб-китобларини очган. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерларга ўтган йилнинг ўзида жамғарма маблағларидан ажратилган имтиёзли кредитлар бўйича салмоқли даромад қўлга киритилди. Жумладан, пахта етиштириш учун ажратилган кредитлар ҳисобидан 95.799,4 минг сўм, ғалла бўйича кредитлардан эса 35.107 минг сўм соф даромадга эришилди.

Жорий 2008 йилда эса фермер хўжаликларига пахта етиштириш учун жами 5.297.107 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратиш назарда тутилган бўлиб, биринчи чоракдаёқ 725.915,6 минг сўм берилди. Ғалла етиштиришга йўналтирилган фермер хўжаликлари эса 1.244 миллион сўм миқдорида кредит пули олишди.

Шунингдек, фермер хўжаликларининг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида ҳам Халқ банки филиаллари муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил русумдаги тракторлар, дон ўриш комбайнлари, экув ва ишлов бериш агрегатлари, техник ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш, иссиқхоналар қуриш ҳамда боғдорчилик учун зарур миқдорда имтиёзли кредитлар берилмоқда. Ўз ўрнида сервис хизмат кўрсатиш бўйича филиалларнинг амалиёт бўлимларига, шунингдек, вилоят деҳқон бозорларида нарх-навони мувофиқлаштириш ҳамда қишки мавсумга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини яратиш учун "Тайёрлов савдо" ва "Савдо харид" корхоналарига катта миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Банк кредит портфелининг тобора бойитиб борилаётгани, шу ҳисобдан хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга, жумладан, тадбиркор аёлларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар қўламининг кенглиги янада қувончлидир.

Шундай қилиб, кредит тизими бошқа банклар қаторида Халқ банки фаолиятининг ҳам асосини ташкил этади. Турган гапки, молия муассасаларининг мамлакат иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссаси ҳам бевосита кредит билан боғлиқ.

Халқ банкининг жойлардаги барча филиалларида, айниқса, қишлоқ аҳолисига тўй ва бошқа маросимлар харажати учун, қимматбаҳо уй жиҳозлари сотиб олиш, янги уй-жой қуриш, олий ўқув даргоҳларида ўқиш шартномаси ёхуд дам олиш, қолаверса, бошқа хил йирикроқ эҳтиёжлар учун ҳам қисқа муддатли кредитлар бериш жорий этилгани аҳолига қулай ва фойдали имкониятлар ва шароитнинг устуворлигини кўрсатади.

Халқ банки том маънода халқ хизматидаги кўп қиррали, ҳалол ва адолатли, кўнгилдагидек наф келтирувчи универсал молия муассасасидир. Нафақалар дейсизми, болалар пули ёхуд бошқа хил моддий ёрдам пуллари дейсизми, ҳаммаси шу ердан олинади. Барча коммунал тўловлари ҳам ана шу банк шохобчаларида қабул қилинади.

Кенг жамоатчилик билан мулоқот асосида фаолият юритиш ва бевосита халқ хизматида бўлишнинг ўзига хос талабларидан келиб чиққан ҳолда банк ходимларининг касбий ҳамда ишчанлик лаёқатларини мустаҳкамлашга, шунингдек, муоамала маданиятининг юксак поғонада бўлишини таъминлашга қаратилган масалалар доимий эътиборда туради.

Халқ банки аҳолининг кенг эътирофини қозонган энг қулай ҳамда фойда келтирувчи хизмат кўрсатиш муассасаси сифатида тан олинган. Шунинг учун ҳам мижозлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Фарғона вилояти Тошлоқ туман Халқ банки филиалининг Заркент қишлоғидаги шохобчаси ҳам ана шундай, ўзининг ишончли, сифатли хизматлари билан халқ ишончига кирган молия муассасаларидан биридир. У ердан эртаю-кеч мижозлар аримайди. Улар қаторида нуроний отахонлар ва онахонлар, фермерлару зиёлилар, янги оила қураётган йигит-қизлардан тортиб, ўсмир талабаларгача бор.

Бироқ давлат-тижорат Халқ банкининг вилоят ҳудудий бошқаруви фаолияти билан атрофлича танишиш асосида юқорида қайд этиб ўтилган ибратбахш ишлар ҳамда ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда жойлардаги айрим филиаллар ва унинг шохобчаларида хизмат кўрсатиш маданиятининг ҳали-ҳануз ўсмаётгани, ижтимоий ҳимоя нафақаларининг ўз вақтида етказиб берилмаслиги ва ҳатто қонунбузарлик ҳолатлари ҳам рўй бериб турганлигининг шоҳиди бўлдик.

— Тўғри, банк ходимлари таркибини юксак малакали ва ўз бурчига талабчанлик билан ёндашадиган кадрлар билан мустаҳкамланиши бироз суст кечаяпти, — дейди ҳудудий филиал бошлиғи Сойибжон Марипов. – Сиз назарда тутаётган ҳолатларнинг онда-сонда учраб туришининг сабаби ҳам шунда. Лекин камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирданоқ бу масалага доир аниқ ва қатъий чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уни дадил амалга ошира бошладик.

Нима ҳам дердик, эзгу ва хайрли ишларга ҳамиша омад тилаб, Халқ банкига халқимизнинг ишончи ортиб бораверишига тилакдошмиз.

Солиҳ ҚАХҲОРОВ,
"Ҳуррият" мухбири. ®

КОНСТИТУЦИЯСИЗ 18 ЙИЛ

Мьянма (собиқ Бирма)да ўтган референдум натижаларига кўра, мамлакат аҳолисининг асосий қисми янги Конституция қабул қилиш учун овоз берди. Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган давлат яқин йигирма йилдан бери ҳарбийлар томонидан идора этилади. 1988 йили давлат тўнтариши билан ҳокимият тепасига келган генераллар Конституцияни ҳам бекор қилганлар.

Кузатувчиларнинг маълум қилишича, сайлов участкаларига келган аҳолининг 80-90 фоизи Асосий қонуннинг янги лойиҳасини маъқуллаган. Мам-



лакатдаги мухолифат эса ушбу лойиҳани адолатсиз ва демократия тамойилларига зид деб баҳолаган. Янги ҳужжатга кўра, парламентдаги 25 фоиз ўрин ҳарбийлар учун бўш қолдирилади. Бу эса Ғарб давлатлари ва мухолифат норозилигига сабаб бўлмоқда.

Амалдаги ҳарбийлар ҳукуматига қарши гуруҳлар референдум пайти сайловчилар қўрқитилгани, хусусан, улар бармоқ изи қолдиришга мажбур қилинганини айтганлар.

Референдум арафаси Мьянмада кучли табиий офат – тўфон юз берди. Мамлакат пойтахти Янгон шаҳрига кучли зарба берган офат пайти минглаб одам ҳалок бўлди. Табиий офатдан жабр кўрган ҳудудларда Конституцияни қабул қилиш бўйича референдум 24 майга қолдирилди.

"МОНА ЛИЗА"ГА КЕТИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Латвия мудофаа вазири Винет Велдре "Мона Лиза" саёҳат кемасини



ушлаб туриш тўғрисидаги буйруқни бекор қилди. 4 майдан бери Латвия денгиз ҳудудида турган кема эндиликда бу ердан чиқиб кетиши мумкин.

Ирбен қўлтиғида соҳилдан 18 км. узоқликдаги қоятошлардан бирига "ўтириб қолган" "Мона Лиза" ва ундаги йўловчилар Латвия мудофаа вазирлиги вакиллари томонидан қутқариб олинди. Маълумотларга қараганда, қутқарув операцияси учун 300 минг доллар атрофида маблағ сарфланган.

Мудофаа вазирининг таъкидлашича, Америка ва Буюк Британия суғурта компаниялари мазкур харажатни қоплаш тўғрисида кафолат хати юборганлар. Аввалроқ Латвия мудофаа идораси раҳбари "Мона Лиза"ни қутқариш учун сарфланган пул қайтарилмагунча уни мамлакат денгиз ҳудудидан чиқариб юборишга рухсат берилмаслигини айтганди.

"МАҲДИЙ АРМИЯСИ" СУЛҲГА РОЗИ, БИРОҚ...

Ироқдаги шиа радикал гуруҳи етакчиси Муқтадо ал-Садр мамлакат ҳукумати билан сулҳ тузишга рози эканини билдирди, деб хабар беради AFP.

Ал-Садрнинг расмий вакили Шайх Салоҳ ал-Убайдий муроса тўғрисидаги қарорни шиаларнинг муқаддас маркази саналган Нажаф шаҳрида эълон қилди. Ваъда бўйича Бағдод яқинидаги Садр-сити номи билан машҳур бўлган шаҳарчада зўравонликлар тўхтатилади.

Убайдийнинг маълум қилишича, Муқтадо ал-Садр тарафдорлари ўт очишни тўхтатишади ва Садр-ситига олиб борадиган йўлларни очишади. Расмий Бағдод ҳозирга қадар Садр кучларини ҳукумат аъзоларини ўғирлаш ва гаровда сақлашда айблаб келади. Убайдий эндиликда Ироқ ҳукумати вакиллари Садр-ситини бемалол кўздан кечиришлари мумкинлигини айтган.

Айтиш керакки, Садр армияси Ироқ ҳукумати илгари сурган барча сулҳ шартларини ҳам қабул қилгани йўқ. Хусусан, Муқтадо ал-Садр тарафдорлари "Маҳдий армияси" деб номланган ҳарбий гуруҳларини тарқатиб юборишни рад этганлар. Ироқ бош вазири Нури ал-Маликий ноябрь ойида маҳаллий идоралар учун ўтадиган сайловга қадар шиа жангариларини қуролсизлантиришни режалаштираётганди.

Америка — Ироқ кучлари ва "Маҳдий армияси" ўртасидаги кураш охирги пайтларда кучайган. Хабарларга қараганда, икки ўртадаги кураш пайтида мингга яқин одам ҳалок бўлган.

МАРКЕСНИНГ НОМСИЗ РОМАНИ

Дунёга "Ёлғизликнинг юз йили" китоби билан танилган адиб Габриэль Гарсиа Маркес янги романини ёзиб тугаллади. Бу ҳақда The Guardian газетаси адибнинг дўсти, журналист Дарио Арисмендига таянган ҳолда хабар берган.

250 саҳифалик романга ҳали ном қўйилмаган. Асарнинг қачон чоп этилиши ҳам номаълум. Арисмендининг маълум қилишича, айни пайтда Маркес роман матнини бешинчи марта қайта ишлаш билан банд.

Бу хабар адиб муҳлислари учун кутилмаган хушхабар бўлди. Чунки 2006 йили Испаниянинг La Vanguardia нашрига интервью берган ёзувчи бундан буён асар ёзмаслигини айтган эди.

Замонавий Лотин Америкаси насрининг ёркин намояндаси саналган Гарсиа Маркес адабиёт йўналишида Нобель мукофоти соҳиби бўлган.

НОРВЕГИЯ КЎЧАСИДА БАЙРАМ

Норвегиянинг StatoilHydro компанияси Шимолий денгиз ҳудудида янги газ конини очди. Маълумотларга қараганда, Alve конининг захираси 3-5 миллиард кубометрни ташкил этади. Бу ерда камроқ миқдорда нефть ҳам борлиги аниқланган.

Янги газ захираси Norne конидан 16 километр узоқликдан топилган. Мазкур кон ҳам StatoilHydro томонидан аниқланган эди.



Норвегия Ғарбий Европага газ экспорт қилиш бўйича энг олдинги ўринларда туради. Бироқ Шимолий денгиз ҳудудидан топилган конлардаги энергия манбалари тобора камайиб боряпти. Шу боис ҳам StatoilHydro компанияси янги конлар очиш йўлида тинимсиз тадқиқотлар олиб боряпти.

2007 йилнинг сентябрида компания Ormen Lange деб номланган янги кон очилганини маълум қилган эди. Сўнгги пайтларда янги захираларнинг аниқланаётгани Норвегиянинг жаҳон энергия бозоридаги мавқеини мустаҳкамламоқда. Кузатувчилар мамлакат 2010 йилга бориб, газ экспорти бўйича Канадани ортда қолдириши ва Россиядан кейинги иккинчи ўринга кўтарилишини тахмин қилмоқдалар.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИН: ФОЙДАМИ Ё ЗАРАР?

Интеллектуал машғулотлар билан шуғулланиш инсоннинг ақлий қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ҳар куни бунинг учун 25 дақиқа ажратиш интеллектуал салоҳиятни яхшилашда самара беради. Тадқиқотларда кўнгилли равишда иштирок этган инсонлардаги ўзгаришлар ана шундай хулосага асос бўлган.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса кроссворд, судоку, сканворд каби бошқотирмалар мия учун фойдали экани, бироқ улар инсонни бир турдаги вазифани бажаришга мойил қилиб қўйиши борасида ҳам огоҳлантирганлар.

Америка олимлари бундан олдинроқ ўтказилган изланишларга асосланиб ақлий машғулотлар хотира ва мия фаолиятини яхшилашда у қадар муҳим ўрин тутмайди деган хулосага келган эдилар.

ТАФСИЛОТ

Тарихни сохталаштирган фирибгар

Мартин Аллен Буюк Британияни ўз алдовларига бир неча йил давомида ишонтириб келди...

Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги тасаввурларни мутлақо ўзгартириб юборган тарихий асарлар асоссиз ва қалбаки экани фош қилинди. Сенсацияга сабаб бўлган китоблари билан тилга тушган тарихчи олим Мартин Аллен эса фитнанинг асосий ижрочиси, аниқроғи, ташкилотчиси бўлиб чиқди. Мазкур жиноий ишни очган инглиз полицияси таъбири билан айтганда, яна бир жосуслик ўйини натижасиз ва муваффақиятсиз якунланди.

2002 йили Буюк Британияда тарихчи олим Мартин Алленнинг "Сирли режа" деб номланган китоби чоп этилди. Ушбу асар инглиз жамоатчилигини ларзага солаёзди. Асар муаллифи Буюк Британия ҳукумати, хусусан, қирол оиласи Иккинчи жаҳон уруши даврида гитлерчилар армиясини қўллаб-қувватлаган деган тахминни илгари сурган эди. Китобда ушбу қараш исботи сифатида Буюк Британия шаҳзодаси, герцог Виндзорский (амалдаги қиролича Елизавета II нинг амакиси) томонидан Гитлер номига ёзилган мактуб келтирилади. Китобда 1939 йил билан кўрсатилган мактуб «Азизим Гитлер» мурожаати билан бошланади. Хатда шаҳзода яқинда Францияга боргани, у ерда армияни кучайтиришга эътибор қаратилаётгани ҳақида хабар беради. Асарда герцог ушбу хатни олиб борган шахс орқали Франция тўғрисидаги махфий стратегик маълумотларни ҳам етказгани ва ана шу маълумотлар асосида немис армияси саноқли кунларда француз ерларини забт қилгани қайд этилади.

Мартин Алленнинг китоби инглизларни таажжубда қолдирди. Илмий жамоатчилик эса муаллиф илгари сураётган маълумотлар устида баҳслашишга тушиб кетди.

Ушбу мунозаралар бир ёқлик бўлмай туриб, 2003 йили тарихчининг иккинчи китоби дунё юзини кўрди. «Гитлер-Гесснинг ёлғони» асарида муаллиф Гитлер ҳукуматида катта таъсирга эга бўлган Рудольф Гесснинг Шотландияга сафари тўғрисида қутилмаган тафсилотларни беради. Бу китоб ҳам унга қадар тарихчилар томонидан илгари сурилган талқинларни мутлақо инкор этиши билан овоза бўлди.

Шов-шувга ўч тарихчининг қутилмаган кашфиётлари атрофидаги мунозаралар кучайгандан кучайиб борди. Худди шу пайтда муаллифнинг учинчи китоби чоп этилди. «Гиммлер олиб борган махфий уруш» китоби сенсация борасида олдингилардан қолишмас эди. Бу гал Мартин Аллен гитлерчилар ҳукуматида иккинчи шахс саналган рейхсфюрер Гиммлернинг ўз-ўзини ўлдиргани тўғрисидаги тарихий маълумотни рад этади. Муаллиф Гитлернинг яқин сафдоши Буюк Британия бош вазири Уинстон Черчиллнинг буйруғи билан инглиз разведкаси томонидан ўлдирилган деган фикрни илгари суради. Олим бунга исбот сифатида гўёки мамлакат ташқи ишлар вазирлиги ходими Жон Уиллер-Беннет томонидан 1945 йили ёзилган хатни келтиради. Мактубда инглиз ташқи ишлар маҳкамаси ходими немис етакчиси Гиммлер Америка разведкасига маълумот бермасидан олдин уни ўлдириш кераклигини уқтиради.

> *Иккинчи жаҳон уруши тарихини остин-устун қилиб юборган ушбу асарлар инглиз илмий оммасини шубҳа-гумонда қолдирди. Бир гуруҳ олимлардан иборат комиссия Мартин Аллен асарларини ва у фойдаланган тарихий манбаларни ўрганишга киришди.*

Тафтишга инглиз полицияси ҳам қўшилди. Бир неча ҳафта давом этган текширувлардан кейин Мартин Аллен китобларни ёзишда фойдаланган барча архив ҳужжатлари қалбаки экани аниқланди. Қизиқ жиҳати, ушбу маълумотлар Буюк Британиянинг энг нуфузли кутубхоналаридан бири Миллий архив ҳужжатлари орасига киритиб қўйилган эди. Худди асл манбалардек!

Герцог Виндзорский ёзган деб талқин қилинган мактуб аслида фирибгарлик маҳсули бўлиб чиқди. Ташқи ишлар вазирлиги ходими йўллаган деб талқин қилинган Гиммлерни ўлдириш ҳақидаги кўрсатма ҳам уйдирма экани аён бўлди. Экспертларнинг аниқлашича, тарихий маълумот сифатида архивга киритиб қўйилган сохта мактублар

Миллий архив маъмурияти сохта ҳужжатларни ким, қандай қилиб олиб киргани-ни ҳозирча аниқлай олмаяпти.

2000-2005 йилларда тайёрланган. Мутахассислар ҳужжатлардаги нотўғри саналар, чалкаш исм-шарифлардан улар қалбаки эканини билишди. Бундан ташқари, экспертиза жараёнида мактублар 1940-йиллардаги босма машинада эмас, замонавий матбаа дастгоҳларида чоп этилгани ҳам аниқланди.

Текширув давомида Миллий архивдаги 12 та маълумотлар жилдига 29 та сохта ҳужжат киритиб қўйилгани маълум бўлди. Мартин Аллен ўз асарларини ёзишда айни шу ҳужжатларга таянган эди.

Полиция мазкур ҳужжат сирини билиши мумкин бўлган ягона шахс – Мартин Аллени сўроқ қилди. Бироқ фирибгарлик жиноятининг иштирокчиси бўлган олим бирорта жўяли маълумот бермади, боз устига унга қўйилган айбларни ҳам рад этди. Полиция сохта олимнинг саломатлиги ёмонлиги туфайли уни жазолашни лозим топмади...

Миллий архив каби алоҳида қўриқланадиган объект, яна махфий маълумотлар базасига сохта ҳужжатлар қандай қилиб келиб қолди? Мартин Аллен бош айбдор деб гумон қилинаётган ишда яна кимлар бор? Жамоатчиликни қизиқтираётган бу каби саволларга ҳозирча полиция ҳам жавоб бера олмаяпти.

Ушбу ҳодиса Миллий архив обрўсига ҳам маълум маънода соя солди. Бу борадаги текширув хулосаларини зудлик билан ўз электрон сайтига жойлаган Миллий архив раҳбарияти мазкур ҳодисани дунё миқёсида рўй берган «энг жиддий фирибгарлик» деб атаган.

Айни пайтда Миллий архивда хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда. Ўқув залларига махсус кузатув мосламалари ўрнатилди. Ҳозирга қадар илм толиблари, олимлар ва зиёлилар маскани бўлган кутубхонада формали ва қуролли кишилар назорати йўлга қўйилди.

Шу воқеа сабаб, Лондоннинг жануби-ғарбида жойлашган Кью архивида ҳам назорат қатъийлаштирилган. Инглиз расмийларининг хавотирини тушуниш мумкин: бу ерда британ ҳукуматининг 900 йиллик ҳужжатлари сақланади.

Ҳужжатларни сохталаштириш борасидаги текширув ҳали якунланганича йўқ, балки энди бошлангандир. Мартин Алленнинг қилмиши Миллий архивдаги бошқа манбаларни ҳам шубҳа остида қолдирмоқда. Ҳозир олимлар ва полиция ходимлари мамлакатнинг бир неча асрлик тарихидан ҳикоя қилувчи минглаб ҳужжатларни биттабитта кўздан кечириб чиқишяпти – улар орасида Мартин Аллен (ёки унинг ҳамтовоқлари) киритиб қўйган қалбаки манбалар йўқ деб ҳеч ким кафолат беролмайди...

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Она юрт қадри

(Бошланиши 1-бетда.)

Жаҳон тажрибасида шундай! Шунинг учун ҳам, "Учқудуқ – Мискин – Тўрткўл – Султон Увайстоғ", "Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон" йўналишлари бўйича янги темир йўл тармоқлари барпо этилиб, ишга тушиб кетди. Уларда қурилган бекатлар ўзининг хушманзара ва қулайлиги билан жаҳон андозасидан қолишмайди.

Мустақил юртнинг мақсадлари катта. Ҳали Қамчиқ довонидан ҳам темир йўл ўтиши режалаштирилган. Фарғона водийсига олиб борадиган Ангрен – Поп темир йўл тармоғи 2014 йилда ишга тушиши керак... Бу ерда мустаҳкам туннеллар қурилади. Ўшанда бутун мамлакатни мустаҳкам боғлаган пўлат магистраллари вужудга келади.

Асака ва Самарқанддаги автозаводларда ишлаб чиқарилган машиналар, автобуслар бугун нафақат ўзимизнинг, балки бошқа мамлакатлар йўлларини ҳам безамоқда. Ўзбекистон жаҳонда автомашиналар ишлаб чиқарадиган йигирма саккизинчи мамлакатга айланди.

Мени жуда ҳайратга солган яна бир нарса шуки, Ўзбекистонда маънавият-маърифат соҳасида дадил ва изчиллик билан олиб борилаётган ишлардир. Хорижга борганимда, бу ишлар ҳақида гапириб берсам, ватандошлар ҳам ҳайратга тушади. Юртда эса айрим юртдошларимизга асрга тенг ўзгаришлар гўё ўз-ўзидан юз бераётгандек туюлади. Ҳолбуки, бундай янгиланишлар ҳақида ҳеч тортинмай жаҳонга жар солмоғимиз керак, азиз юртдошларим!

Мана қаранг: ўтган улуғ боболаримизга бўлган ҳурмат манзаралари. Муҳаддислар султони Имом ал-Бухорийдан тортиб, барча улуғларимиз руҳи поклари ёд этилиб, қадамжолари зиёратчилардан асло бўшамайди. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз шаъни-шавкатини барқарор этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, яъни тарихдан ҳаққоний улушимизни олиш ё ола билиш, бу ҳазилакам иш эмас. Ҳа, тарихимизнинг улуғлигини англаб етиш, хорижга ҳам янгича муносабатларимизни етказиш ҳаммамизнинг олдимизда турган қутлуғ вазифадир. Шу маънода Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи, Тошкентдаги Ҳазрати Имом жоме масжиди... санасанг, саноғига етмайсан. Буларнинг ҳаммаси мустақил Ватаннинг шиддатли одимларини кўрсатиб турибди.

Менга ёққан қадамлардан яна бири, Ўзбекистонда ҳур фикрга эга бўлган янги наслни тарбиялаш, вояга етказиш, эл хизматига киритишдир. Шу маънода бу йил "Ёшлар йили" деб аталди, ёшларни қўллаб-қувватлаш, ларга ишонч билдириш, соғлом ўстириш, рағбатлантириш, руҳлантириш, оқибат Буюк Ватан фарзандиман, деган ғурурни кўнгилларида барқ урдириш бу дастурнинг асос моясини ташкил қилади. Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, деган эди Соҳибқирон Амир Темур бобомиз.

Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи

Ўзим Халқаро Амир Темур фондида хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайман. Амир Темур жаҳон тарихида бетакрор сиймолардан бири. Хориждаги ватандошларимиз ҳам бизлар каби Улуғ Амир билан фахрланишади, ифтихор қилишади. Унинг жаҳон тарихини ўзгартириб юборган сиёсати, ўтказган ислоҳотлари, вужудга келтирган ренессанси бугунги кунда бутун дунёда ўрганилмоқда. Бу инсоннинг улуғлиги шундаки, у ҳақда барча китоб ёзган, дўст ҳам, душман ҳам. Президент Ислом Каримов шижоати билан Амир Темур обрў-эътибори ўз жойига қўйилди. Бутун дунёда Соҳибқиронга янгича назар билан қараш мокда. Бу қутлуғ жараён давом этмоқда. Соҳибқирон Амир Темур таваллуди 672 йиллигининг мамлакатда кенг нишонланганини кўриб дил-дилимдан фахрландим.

Президентимиз томонидан ташкил этилган фондимиз хорижда нашр этилган ноёб китобларни йиғиш, уларни ўзбек ўқувчиларига таништириш, тарғиб этиш, ёйиш, бора-бора илмий муомалага киритиш, олимларимиз истифодасига топшириш, Амир Темур даври тарихига бағишлаб турли анжуманлар ўтказиш ишлари билан шуғулланади. Ана шундай анжуманларда камина ҳам "Амир Темур даврини Туркияда ўрганилишига доир", "Мустафо Камол Отатуркнинг Амир Темур ҳақида ёзганлари " мавзуларидаги маърузаларим билан қатнашдим.

Ўтган тўрт йил ичида хорижда Амир Темур даврига оид кўплаб китоблар олиб келишга муваффақ бўлдик. Фоннинг мақсади – келажакда Амир Темур ва темурийлар даври ҳақидаги китоблардан иборат кутубхона ташкил қилишдир. Фондимизни бойитган китобларнинг айримларини айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирча, жами 150 га яқин китоб келтирилди. Улар орасида Асанбай Аскарнинг «Турон буюклари» (2003), Закий Валидий Тўғоннинг "Бугунги Туркистон ва яқин тарихи" (1981), "Хотиралар" (1999), Ҳасар Ючелнинг "Темурнинг Онадўлига сафари. 1393-1402" (1989), Ҳасан Октайнинг "Туркийлар ва мўғуллар" (2007), Емруллаҳ Текиннинг "Темур ва Лидерлик" (2001), Дундор Алпнинг "Амир Темур" (2005), Хайрунниса Аланнинг "Темурийлар" (2006), Айдин Танерининг "Хоразмшоҳлар" (1993), Муса Йилдиз қаламига мансуб "Али Қушчи" (2002) сингари илм-фанимиз учун муҳим манба бўлган китоблар бор. Жан Пол Рунинг (Франция) "Туркларнинг тарихи" (турк тилида), "Буюк Темур" (рус тилида), Ҳарольд Лэмбнинг (Англия) "Буюк Темур" (рус тилида) китобларини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур ва Усмонли императори Йилдирим Боязид ўртасидаги ёзишмаларнинг кўҳна нусхаси, инглиз ёзувчиси Чарльз Саундерснинг (1691) "Буюк Темур" трагедияси, Самуил Кларкнинг "Амир Темурнинг ҳаёти" (инглиз тилида) китобларидан олинган нусхалар ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек, темурийлар даврига оид мақолалар, журналлар мавжуд. Бари фондимиз хазинасини бойитиб турибди.

Мен буларни нима учун ёзяпман? Ватандошларим ва миллатдошларимга фикрларимни айтиш истаги мени тинч қўймади. "Бизлар ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам", — дейди Юртбошимиз. Мустақиллигимизнинг самараларини, Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз, унинг қадрига етишимиз лозим. Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деган маълум ҳақиқатга амал қилиб, фидокорона меҳнат қилишимиз, кеча-кундуз тин билмаслигимиз зарур.

Насруллоҳ ТЎРА,
Халқаро Амир Темур фонди хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар бўлими бошлиғи.

АКС-САДО

Назорат майдони: бола унинг қаерида?

("Бола кўчага чиқди(ми?). "Ҳуррият". 2008 йил, 7 май)

Дарсдан уйга қайтаётиб, Чилонзор туманининг 25-даҳасидан Олой бозори томон ҳаракатланаётган 2-автобусга чиқдим. Ёши ўн иккилардаги чиптачи бола диққатимни тортди. У ёнимдаги бўш ўриндиққа келиб ўтирди ва ухлай бошлади. (Ўша куни негадир автобус тирбанд эмасди?!) Бола ҳар замонда кўзини очиб, бир қараб қўярди. Ноқулай бўлмасин деб, "Ухлаб қолма, автобус кўққисдан тўхтаса, йиқилиб тушасан", дедим.



— Йўқ, — деди у хавотир олманг, ўрганиб кетганман дегандек менга қараб.

— Роса чарчабсан-а?

— Ҳа...

— Кечаси ухламадингми?

— ...

— Ҳайдовчи дадангми?

— Йўқ, бегона киши.

— Ишлайсанми?

— Ҳа, кунора.

— Мактабда ўқисанг керак?

— Ўқийман, 7-синфда.

— Унда бугун чоршанба-ку, нега дарсга бормадинг?

— Эртага борарман...

— Бугунги дарсларинг нима бўлади. Янги мавзуни ўзлаштиролмай қоласан-ку?

— Ишлашим керак-да...

У уйқу тўла кўзларини зўрға очиб тургандек эди.

— Ота-онанг ишлаётганингни билишадими?

— Йўқ.

— Улар сени қаерда нима иш қилаётганингни сўраб туришмайдими?

— Сўрашади. Ишга борадиган кунларим ҳам мактабга кетяпман, деб уйдан сумкамни олиб чиқиб кетаман.

— Гапларинг ёлғон эканини сезишмайдими?

— Ишонишса керак, — дейди у бамайлихотир. — Билишмаяпти-ку!

— Автобуслар қатнови кеч соат 11 гача давом этади. Шу вақтгача ишлайсизларми?

— Жуда 11 гача эмас-у, 10 ларгача...

— Ўшанда ҳам ота-онанг қаерда эдинг, деб тергашмайдими?

— Сўрашади, интернетда эдим, баъзида спорт билан шуғулланишга бордим ёки дўстимникида дарс тайёрладик, — деб қўя қоламан.

— Ўқитувчилар-чи? Улар дарсга қатнамаётганингга индашмайдими?

— Айримлари сўрашади, совғасалом олиб бориб берсам бўлди, ўзлари дарсга "бор" қилиб, "5" баҳо қўйишади.

— Маош ҳам оласанми?

— Йўқ, кунига 5-6 минг сўм ишлайман.

Муаммо: Бола пул топиш пайига тушиб қолган-у, аммо ота-онанинг бундан хабари йўқ. Ким билади, у кўчада, автобусда чипта сотиб топаётган пулларни нимага сарфлайди?!

Яна бир воқеанинг гувоҳи бўлган эдим. Курсдошларим билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кутубхонага кетаётганимизда, озодагина кийинган бир бола биздан пул сўради. Ҳаммамиз ҳайрон бўлдик. Дугонам унга 200 сўм берди. Ҳалиги бола яна кўпроқ пул беришимизни илтимос қилди.

Шунда қизиқиб: — Пулни нима қилишингни айтсанг, берамиз, — дедим.

— Сигарет оламан, — деди у дангал.

— Отанг борми? — деб сўради дугоналаримдан бири.

— Бор.

— Бирор жойда ишлайдими?

— Ҳа, ... вазифада ишлайди.

Тўсатдан барчамизнинг орамизда жимлик ҳукм сурди. Чунки боланинг айтишича, унинг отаси жуда обрўли вазифада ишлар экан. Аммо унга етарлича пул бермас эмиш.

— Шу қилиқларингни отанг билиб қолса борми, нақ...

— Билмайди, — деди у кулиб...

Бошимда минг хил ўй, фикр. Наҳотки, баъзи ота-оналар шу даражада ҳам фарзандларига бефарқ бўлсалар? Ҳаттоки, фарзанди мактабга боряптими, йўқми, нечанчи синфда ўқийди, хулқи қандай, баҳолари яхшими, дарсдан сўнг нима иш билан шуғулланяпти? Дарсдан сўнг бола уйга келмасдан кимлардандир пул сўраб, сигарет чекиб кўчада юрса-ю, обрўли отанинг бундан ҳатто хабари бўлмаса?.. Ёки шунчалик даражада ишингиз кўпми, ҳурматли ота-оналар, дегим келди.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

ЁДНОМА

Яхши ном, савобли ишлар соҳиби

Инсон ўз умри давомида қандай ишларни амалга ошириши аввало унинг ниятига, ўз олдига қўйган каттакичик мақсадларига ҳам бевосита боғлиқ. Чунки тириклик, ҳаётнинг бир қонунияти шуки, одам ўзи билган ёки билмаган ҳолда мақсади ортидан боради. Зотан, ёруғ, холис ниятларсиз, шунингдек, қатъий ва доимий ҳаракатларсиз ҳам киши кўзлаган муддаосига ета олиши даргумон.

Агар биз деярли бутун умрини халқ таълими тизими ривожига бағишлаган, узоқ йиллар Термиз педагогика билим юртида раҳбарлик қилган маърифатли инсон Иброҳим ака Ҳимматовнинг яшаб ўтган йўлига назар ташлайдиган бўлсак, бир кишининг умри давомида жуда кўп хайрли ишлар қила олишига чуқур ишонч ҳосил қиламиз.

— Вилоятнинг бир тумани ёки чекка қишлоғида у киши ҳақида гап кетса, "Э-э ўзимизнинг устозимиз Иброҳим аками!" — дея самимият билан айтилган гапларни тез-тез эшитасиз, — дея хотирлайди Термиз давлат университети профессори Холмирза Холиёров. — Ҳалиҳамон эсдан чиқмайдиган бир далил: бундан роппа-роса қирқ беш йил муқаддам мамлакатимизда Самарқанд вилоятидан сўнг, Сурхондарёда иккинчи жисмоний тарбия техникуми ташкил этилди. Шуни комил ишонч билан айтаманки, ушбу ўқув маскани Сурхон воҳасида Термиз давлат университетидан сўнг илм даргоҳлари орасида иккинчи ўринда туради. Ана шундай доврўқли билим даргоҳининг очилишига хизмати синган ва унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган одам ажойиб ва унутилмас дўстимиз Иброҳим Ҳимматов бўлади. Дўстимиз халқ таълими соҳасида қилган баракали меҳнатлари, кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини олганида барчамизнинг қувонганимиз, бу ажойиб воқеани муносиб нишонлаганимиз ҳамон ёдимда.

Иброҳим Ҳимматов 1959 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлагач, Термиз туманидаги 2-ўрта мактабда физика фанидан дарс бера бошлади. 1963 йилдан эътиборан ўзи ўқиган 3-ўрта мактабга директор этиб тайинланди. 1967 йили Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги буйруғи билан Термиз жисмоний тарбия билим юрти ташкил топди. Ана шу билим юртининг биринчи директори Иброҳим Ҳимматов бўлди. Шуни таъкидлаш ўринлики, мазкур техникум наинки мамлакатимизга, балки дунёга доврўқли бўлган спортчиларни тарбиялаб етиштирди. Бу ерда қисқа вақт оралиғида спортнинг бир қатор турлари бўйича вилоят, республика, жаҳон чемпионлари, совриндорлари, разрядли спортчилар тайёрланди.

Билим юртига қилган 24 йиллик раҳбарлик фаолияти давомида Иброҳим Ҳимматов катта миқёсдаги ишларни амалга оширишга улгурди. Бу ерда янги ўқув хоналари, лабораториялар, спорт зали, отиш майдончаси, 105 ўринли ётоқхона, ошхона, буфет барпо этилди. Замонавий ўқув қуроллари билан таъминланди. Энг муҳими, Иброҳим аканинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан мутахассис-кадрларнинг мустаҳкам ва пишиқ жамоаси таркиб топди.

Бугун орамизда устоз Иброҳим Ҳимматов йўқ. Бироқ у кишининг кўпдан-кўп яхши ишлари, ёшлар тарбияси, халқ таълими тизими соҳасидаги салмоқли фаолияти яшаяпти. Инсон ўтаркан, ундан қолган хайрли ишлари авлодларга қоларкан. Ҳар бир одамни яхши амаллари, қилган эзгу ишлари учун эсласалар, қанчалар яхши!

Болта ҚУЛТЎРАЕВ,
Термиз педагогика коллежи ўқитувчиси, кимё фанлари номзоди.

ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ЯНГИЕР ШАҲАР ФИЛИАЛИ СИЗЛАРГА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоиз тўловлари	Изоҳ
КЕЛАЖАК	Минимум 5 йил	5 фоиз	18 ёшгача бўлган болаларга очилади.
НБУ КЛАССИК	6 ой	18 фоиз	ҳар 3 ойда тўланади.
ХОТИРЖАМЛИК	16 ой	26 фоиз	Омонат 01.08.2008 йилгача қабул қилинади, фоиз даромадларидан коммунал тўловларга ўтказилиши мумкин.
КАМОЛОТ	1 йилу 6 ой	25 фоиз	Омонат 18 ёщдан 30 ёшгача бўлган ёшларга очилади

ИЗОҲ: ***Ҳар бир омонат очилганда паспорт тақдим этилади. Омонат очиш учун ариза ва имзо намуналари карточкаси тўлдирилади. Омонатлар шартнома тузиш орқали очилади.***

ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ЯНГИЕР ШАҲАР ФИЛИАЛИ СИЗГА АҚШ ДОЛЛАРИДА ВА ЕВРОДА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоиз тўловлари	Изоҳ
ҲАВАС	1 йил	5 фоиз	Омонат бўйича фоизлар ҳар 3 ойда тўланади.
ПАРВОЗ	5 ой	6 фоиз	Омонат бўйича фоизлар муддат охирида тўланади.
СЕВИНЧ	2 йил	10 фоиз	Омонат 01.08.2008 йилгача қабул қилинади.
КОМФОРТ-2	1 йил	9 фоиз	01.08.2008 йилгача қабул қилинади.
ТАКДИМ ЭТУВЧИГА	6 ой 9 ой	9 фоиз 10 фоиз	Омонат очувчи шахсдан паспорт маълумотлари олинмайди.
ТАКДИМ ЭТУВЧИГА	6 ой 9 ой	7 фоиз 8 фоиз	Омонат очувчи шахсдан паспорт маълумотлари олинмайди.

"Староста"га ҳам осон эмас...

("Сиздан угина, биздан бугина". "Ҳуррият". 2008 йил, 9 апрель)

Тўхта, биродар, "Староста" ким ўзи? Унинг вазифаси нимадан иборат?

Зайниддин НОРОВ, ўқитувчи:

— "Староста" — гуруҳ ичидан саралаб олинган, иқтидорли, ташаббускор, ташкилотчи талаба. У ортидан бошқаларни эргаштириш, кўпчиликнинг бошини бир ерга қовуштириш қобилиятига эга бўлиши керак.

Феруза УМАРОВА, талаба:

— "Староста" — деканат билан гуруҳ ўртасидаги алоқани боғловчи "занжир"дир.

Дилбар ЮСУПОВА, ўқитувчи:

— Пайти келганда, дўстларига ёрдам қўлини чўзиб, вақти келганда, деканатнинг оғирини енгил қилувчи тиргак.

Азиза ҲАЛИЛОВА, талаба:

— У университет, институт доирасидаги энг кичик илмий ходим. Унга жуда қийин... Тўрт йил журнал қучоқлаб юришнинг ўзи бўладими? У гуруҳдошлари учун жонли "справочник". Унинг ваколати доирасига қуйидагилар киради: хона излаш, пул йиғиш, қочганни топиб келиш, келмаганни судраб келиш, алдаганни "сотиб" келиш... У жуда кўп нарсани билади. Жуда кўп ишни уддалайди. Сессия пайти унинг номи домлаларникидан ҳам кўпроқ жаранглайди. Мўлтираган кўзлар уни таъқиб қилади...

Хўш "Староста"ларнинг ўзи бу гапларга нима дейди?

Элбек ЖЎРАЕВ:

— Вазифа, қанақа вазифа? "Йиғим-терим" вақти келганда, бош бўлиш, курсдошларнинг эътиборидан четда қолмаслик, тамом-вассалом!

Зебо МИРЗАЕВА:

— Вазифам — талабаларнинг давоматини кузатиш, журналларни тўлдириб қўйиш, талабаларга маънавий кўмак бериш. Шу кунгача гуруҳ сардорининг минглаб вазифалари ҳақида эшитамиз. Аммо уларга ҳам осон эмас. Қолаверса, "староста"лар деб ҳаммасига умумий ёрлиқ ёпиштирмаслик керак. Уларнинг ҳам гуручи бор, курмаги бор.

Зебо топиб гапирди чоғи, гуруч курмаксиз бўлмайди. Ҳамма ҳам бир хил эмас. Синфком, яъни синф сардори, олий ўқув юртларида эса "староста" — курс боши. Уларнинг вазифаси — ўз тенгдошларига ўрнак бўлиш: ўқишда, жамоат ишларида. Ўқимайдиган "иккичи" курсдошларига қанот бўлиш эмас, асло. Домлаларга "чўтал" узатиб, ўзаро воситачилик қилиш курсбошининг "иш"ими? Афсуски, ана шундай "староста"лар ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, курсбошиликнинг маъно-мазмунини, вазифасини шундай тушунадиган сардорлар учраб туради. Аммо... тўғрилик, ҳалолликка не етсин? Америка ёзувчиси Бенжамин Франклин топиб ёзган: "Мириқиб ухлай десанг, ўрнингга соф виждон билан ёт!" Бу ҳикматга "староста"лар ҳам қатъий амал қилсалар, жуда маъқул бўлар эди-да.

Ҳулкар ФАРМОН қизи,
талаба.

МАЪНАВИЯТ

ҲАМКАСБ

Қошиқлаб **йиғиб**, чўмичлаб **узатиб**

Самарқандлик бир ёзувчи қадрдонимиз бор. Мухбирликдан ёзувчи бўлган. Аниқроғи, агрономлик, энтомологликдан мухбир, мухбирликдан ёзувчи бўлган. Кўп китоблари чиққан, тўрт тилни билади, одамохун, ширинсухан, дастурхони очиқ инсон. Дўст, ҳамкасбларига оқибатли, уларни тез-тез кўриб турмаса соғиниб қолади, баъзан матбуот орқали хатлар йўллайди, шунчаки салом-алик учун эмас, бирор долзарб, муҳим мавзуни кўтаради, албатта.

Шу дўстимиз ўттиз йилча муқаддам ўн беш чоғли қадрдонини оиласи билан халқа йўлнинг нарисида, ҳозирги Зангиота туманидаги хонадонига таклиф этганди. Баъзиларимиз сал узоқлигидан малол келгандай бўлиб, лекин сездирмай бордигу, яйраб ўтириб, хурсанд бўлиб қайтдик. Дўстимиз ўзи каби очиқ кўнгил, муаллима жуфти ҳалолини "Неча йилдирки, эшикни шу биргина аёл очади, баъзи оғайниларимга ҳавасим келади", дея ҳазиллашиб таништирди. Ҳаммасидан ҳам оғайнимизнинг серҳафсалалиги, топқирлигига қойил қолдик: таомдан олдин ҳар биримизга рақам ёзилган қоғозча берди. Кейин қоғозга қараб шкафдан рангдор, гулдор, ҳар хил ёғоч қошиқ олиб узатди. Бу ёғоч қошиқ деган матоҳнинг ҳам хили кўп экан. Афсуски, ҳозир топиш маҳол. Ҳам мазали таомга, ҳам чиройли қошиқларга қизиқиб едик, ичдик, хурсанд бўлдик. Бировимиз хонадон соҳибини "Омадингизни берсин, Чингиз Айтматов йўлидан кетяпсиз", — дея ошириб мақтадик, шоиримиз жўшиб, тошиб шеър ўқиди, ҳар кимдан фазилату қусур топишга уста ҳамкасби жудаям ошириб юборманглар, ҳали асар тили устида кўп ишлаши керак, битта мақоласида "бир дона ғалла" деган ибора ўтиб кетибди", — деб мақтовлар пилигини сал пасайтирган бўлди. Бошқа бир танқидчи оғайниси: "Бўри кўпайиб кетса, чорвага қирон келтиради, йўқотиш керак, камайиб кетса "табиат санитари"ни асраш керак деб ёзасиз, бечора жониворни ўз ҳолига қўйинг, ундан кўра икки оёқли бўрилар ҳақида ёзинг", деб "насиҳат" қилди.

Ижодкор дўстимиз баъзи мақола, очеркларининг сарлавҳасидан тортиб, қаҳрамони исми шарифини бошида сир сақлаб, ўқувчини қизиқтириб, кейин "ёрилади". Биз ҳам унинг услуби асосида йўл тутдик: гап таниқли мухбир, республикада хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи, ўттиздан ортиқ катта-кичик китоблар муаллифи Нусрат Раҳмат ҳақида боряпти.

Ҳа, Нусрат Раҳмат матбуотда мақола, суҳбат, очерк, фельетон, эссе, хат билан чиқиб (қошиқлаб йиғиб), кейинчалик ҳикоя, қисса, роман, китоб ҳолида ўқувчига тақдим этадиган (чўмичлаб узатадиган) ижодкорлар сирасидан.

Нусрат Раҳмат Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битириб, бир йилча мутахассислиги бўйича ишлагач, вилоят газетасига ишга таклиф этилади. Кейинчалик "Қишлоқ ҳақиқати" газетасининг Самарқанд ва Бухоро вилоятлари мухбири бўлиб ишлайди. Сўнгра "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг ижтимоий-сиёсий бўлимига мудирлик қилади. Муаллифнинг турли йилларда ёзилган турфа мавзулардаги мақола, репортажлардан иборат илк китоби 1975 йилда чиққан эди. Шундан кейин бирин-кетин катта-кичик китоблари нашр этилди. "Замондош ўйлари" китобчасига мўъжаз бир тақриз ёзганим ҳам ёдимда. "Мен редакцияданман" (1987) китоби ўқувчилар, айниқса, журналистлар томонидан илиқ кутиб олинган, яхши баҳога сазовор бўлган эди. Таҳририятда кечган беором дамлар, сафар-саёҳатларда дуч келган турфа одамлар, ютуқлар ва хатолар, устозлар ва ҳамкасблар, ўзи ва бошқаларнинг тажрибаси, мухбирликнинг қаттиқ ва тотли нони тавсифи, тасвири ушбу китобнинг мазмун-мағзини ташкил этарди. Муаллиф китобини бир қадар қайта ишлаб, тўлдириб, 2003 йили "Мен мухбирман" номи остида чоп эттирди. Айни ўринли ном, "редакцияданман" — кетмасди, "таҳририятданман" — чиқмасди, "мухбирман" — эл-юрт хизматига камарбастаман маъносида, ҳам камтарона. "Мен ёзувчиман" дейиш эса Асқад Мухтор таъбири билан айтганда яхши одамман деганга ўхшаб кетади.

Мазкур китобнинг (аввалги нашрининг ҳам) муҳим фазилатларидан бири муаллиф фаолиятининг бошланғич даврида, кейинчалик ҳам, масалани атрофлича ўйлаб кўрмаганлиги, шошма-шошарлик қилгани, тажрибаси етишмаганлиги оқибатида йўл қўйган хатолари учун гап эшитганлигини рўй-рост, мардона ёзганлигидаки, бу асарнинг ҳаққонийлиги, самимийлигидан далолат.

Вилоят газетаси таҳририятида энди иш бошлаган кезларида халқаро география жамияти аъзоси имзо чеккан "Қоратовлик маугли" номли мақолани, шов-шувли сарлавҳасига қизиқиб, ишлашга киришади. Фан номзоди Қоратоғ қишлоғида бир бола ногаҳонда йўқолиб қолгани, уни ҳарчанд излаб топиша олмай, икки йил ўтгач, хилват ғордан ушлаб олишгани, бола бўрига ўхшаб увлаши, тўрт оёқлаб юриши ва овқатни ҳам чўккалаб ейишини ажабтовур ҳикоя қилган экан. Мақола Жияннинг (исми шундай) сурати билан эълон қилинади. Яхши баҳо олади. Ишлаган ходим қолиб, тавсия этган бўлим мудири тақдирланади. Шов-шувли мақола билан рус тилида босиладиган газетанинг калондимоғ, шуҳратпараст муҳаррири қизиқиб қолади ва ўзи бош муҳаррир бўлган газетада бостиради. Кейин "Маугли ҳузурида" деган сарлавҳа қўйиб, Москвага, ҳафталик "Неделя"га юборади, у ерда ҳам босилгач, шов-шув бошланади. Ўзбекистонда "Маугли" борлигига ишонибишонмай бир қанча журналист ва мутахассислар Самарқандга келади. Маълум бўлишича, Жиян дегани ота-онасидан эрта ажраган, меҳр-эътиборга муҳтож, савдойироқ бола экан. Тоғасиникига ҳам сиғмагани учун тоғ-тошларда яшаб юраркан. Ёлғон гапнинг чуви чиққач, Москва нашрларида мақолалар берилади. Анча-мунча одам, жумладан мукофотдан четда қолган ёш ходим ҳам гап эшитади.

Нусрат Раҳмат бу нохуш воқеани ёш қаламкашларга сабоқ бўлсин, токи санамай саккиз дейишмасин, сенсация ортидан қувишмасин деган маънода батафсил ҳикоя қилади.

Нусрат Раҳмат турфа мавзуларда, ранг-баранг жанрларда кўп ва хўп ёзди ва ўқувчилар меҳрини қозонди. Масалан, "Гулистон" журналининг 1978 йил май сонида босилган "Қора гул" мақоласида қоракўлчиликда совлиқларга СЖК қўллаш теларнинг сифатини, халқаро бозорда баҳосини пасайтириб юбораётгани (бир зоотехник СЖКни "Совлиқнинг жонига кафан" деб ҳам истеҳзоли таърифлаган), лекин белгилаб қўйилган баланд режа бу зардобдан воз кечишга монелик қилаётганини "ўжар" далиллар, қиёслар, мутахассисларнинг жўяли фикрлари, огоҳлари билан асослаб берган. Лекин муаллиф ушбу муаммоли мақола журналнинг йиллик мукофотига сазовор бўлганини эслашни эп кўрмайди, кўпроқ ёш мухбирларни яна ва яна ҳушёрликка даъват этади. Бош муҳаррир Асқад Мухторнинг даъвати, масъулиятни зиммасига олиб ёздирилган бу мақола шов-шув бўлиб кетади, ўқувчиларга маъқул тушади, собиқ Иттифоқ тузумига эса ёқмайди. Лекин собиқ марказий матбуот нашрларига ҳам бу гаплар чиқиб кетади. Пировардида қўйларга СЖК зардобини қўллаш бекор қилинадики, бунда оғриқли муаммони дадил кўтариб чиққан Н.Раҳматнинг ҳам ҳиссаси бор.

Нусрат Раҳмат ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи йилларида вилоят, республика нашрларида муаммоли мақолалар, ўткир фельетонлар билан чиқиб турди. Самарқанд паррандачилик фабрикасининг икки-уч одамнинг сирли ўлимига сабаб бўлган меҳмонхонаси ("Обий"), моргда ўлик эгаларидан пора талаб қилувчи санитар ("Нохуш манзилгоҳ"), ўзи тўқиб чиқарган сирли гапини катта-кичик раҳбарлар қулоғига айтиб ишини тўғрилаб кетувчи таъмагир фотограф ("Ўзларининг топшириқлари билан"), институтга янги, қирқ саккизинчи гуруҳ қабул қилинди, буйруқ чиқди деб соддадил ота-оналарнинг пулини шилган товламачи Барқий ("Айиқлар ва тулкилар") ва бошқа нохуш воқеалар, қиғир ишлар ҳақида ёзиш учун маҳорат, ундан ҳам кўпроқ жасорат керак эди.

Нусрат Раҳмат яхшиликлар, янги ташаббуслар, ўз ишига меҳр қўйган фидойи инсонлар ҳақида меҳр билан, тўлиб-тошиб ёзади. Ҳамиша адолатни ҳимоя қилган, Борис Б. деган йиртқич қотилни қўлга олишда жонбозлик кўрсатган, ўзини эҳтиёт қилмай сирли суратда аварияга учраб ҳалок бўлган журналист Ражаб Ҳасанов ("Қабристон қашқирининг қисмати"), Лора деган тўтиқуши Германияда ўтган анжуманда Умар Ҳайём тўртликларини айтиб соврин олган қушлар шайдоси Мансур ака, ёш болалар томоғида қолган узум, олма пўчоғини ажиб чапдастлик билан олиб ташлайдиган (агар қолиб кетса чириб, нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин экан), лекин медиклар шубҳа билан қарайдиган илгир опалар ва бошқа кишилар ҳақидаги мақола ва очерклари мароқ билан ўқилади.

Дарҳақиқат, мухбирнинг мухбир бўлиб шаклланишида, ўз ижодий имкониятларини тўлатўкис намоён қилишида муҳаррирнинг ўрни беқиёс. Бу ҳақда жўяли гаплар ёзган ғайратли, сермаҳсул ҳамкасбимизнинг узоқ йиллик самарали ижоди ана шундай ибратли мулоҳазалар юритишга имкон беради.

Сайди УМИРОВ

ТААССУРОТ

Ўқиладиган шеърлар

Ватан ҳақида шеър ёзмаган шоир борми? Бўлмаса керак. Фақат бир шоир Ватанни жўшиб, баланд пардаларда тараннум этса, бошқа бир шоир уни юракни ўртовчи ҳазин оҳангларда куйлайди. Яна бири Ватаннинг боғларини, бойликларини, кенгликларини қаламга олса, бошқаси ўша боғларнинг яшил баргларидан, одамларнинг кўнглидан, туғишганларнинг меҳр-оқибатидан, севишганларнинг муҳаббатидан Ватан тимсолини қидиради:

Ивиган ипакдек
чувалар мезон,
Димоғ ўрилган ўт
ҳидини туяр.

Довон ўнгирида
жайдари деҳқон,
Олдимга тўрлаган
қовунни қўяр.

Бу тўртлик Иқбол Мирзонинг "Сени куйлайман" китобидан олинган. Сўзлар содда, қуйилиб келган. Сатрлар жумбоқ, сохта тимсоллар, зўраки қофиялардан ҳоли. Мисралар арқондай чийратма...

Иқбол Мирзонинг мазкур китобини ўқиб, ҳақиқатан ҳам шеърият бир нафаслик вақтда хаёлдан кечадиган лаҳзалик ҳиссиётлардан тортиб, инсон қалбининг энг тубидаги туйғуларигача қамраб олишига — шеъриятнинг бағри кенглигига ишонч ҳосил қиласан киши. Бу шеърлар ўқувчининг ҳиссиётини қитиқлайди, шуурини ёритади. Бу шеърлар ўқувчини маҳзун торттиради... Шаклланган тасаввурни янгилайди, таъбир жоиз бўлса синдиради...

Муҳаббат, бу —
ялт этган нигоҳ
Ва ҳаловат абас, дегани.
Муҳаббат, бу —
ўзингни севмоқ
Ва ўзгага ҳавас, дегани.
("Муҳаббат")

Ёки:

Бир боғлам нур ўйнар
ой ўроғида,
Юлдузлар қайроқи
донга ўхшайди.
Қуёш олтин бошоқ
саҳар чоғида,
Оқшомда мағзи тўқ
нонга ўхшайди.
("Буғдой сўз")

Ёки:

Мен муҳит томонга
юзимни бурсам,
Тўрт фасл бир жойда
жам кўринади.
Бунда бахти қаро
куйлайди хуррам,
Бахти расо дилда
ғам кўринади.
("Кўринади")

Ёки:

Синган одам, туйғулари
тинган одам,
Синган одам, қисматига
кўнган одам.
Синиқ кулиб, синиққина
кўришади,
Кун кўради, яшамайди
синган одам.
("Синган одам")

Шу тариқа китобдаги жуда кўп шеърлар ўзининг соддалиги, равонлиги, тимсоллар мантиғининг мағзи тўлалиги билан диққатни тортади. Бу шеърларнинг яна бир муҳим фазилати уларнинг халқ оғзаки ижоди оҳангларига яқинлигида, куйи билан қўша келишида. Бу шеърлар шоир иқтидорининг ўзига хослигини, у ўзбек мумтоз адабиётини, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф каби мактаб яратган ижодкорларни ва, албатта, рус ва жаҳон шериятини мукаммал ўрганганини сездириб туради.

Рус танқидчиси В.Г. Короленко шоирлардан бирига ёзган хатида шундай дейди: "Афсуски, сизнинг шеърларингиз ҳам журнал юзини кўрмайдиган бўлди. "Кураш" ва "Прометей" дурустгина. Бироқ ҳозирда дурустгина шеърлар кўплаб ёзиляпти..." Бу фикрлар таниқли мунаққид Озод Шарафиддинов рус санъаткори А. Довженконинг "Сохта интилишларга амал қилиб, биз ижодий бўёқларимиз орасидан изтироб чекишни қувиб чиқардик, унинг худди бахт ва шодлик каби ҳаёт ҳақиқати эканини унутиб қўйдик. Биз уни қийинчиликларни енгиш деганга ўхшаш бир нарса билан алмаштирдик, инсон ер юзида ҳаёт экан, у севар, шодланар, яратар экан, ҳамиша изтироб ҳам биз билан бирга бўлишини унутиб қўямиз," – деган фикрларини келтириб: "Мен бу сўзларни фақат бир мақсадда – инсон қалбининг ҳамма томонини ифодалашдан ҳадиксирамаслик кераклигини таъкидлаш мақсадида келтирдим... Поэзияда нафрат ва муҳаббат, ғазаб ва завқ, изтироб ва умид қанча тўла акс этса, инсон образи шунча тўла очилади. Поэзиянинг бағри кенг..." деб ёзган эди.

Бу гаплар бизнинг кунларимиз учун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Китоб дўконларига кирсангиз, пиёз пўчоғидай қалинликдаги жажжи китобчадан тортиб, ёстиқдай қилиб муқоваланган кўплаб шеърий китобларни учратасиз. Уларнинг аксариятига Короленко айтганидай, "Дурустгина ёки дурустдан паст" шеърлар жамланган. Нима сабабдан Короленко "дурустгина" шеърларни чоп этиб бўлмайди, — дейди? Чунки ўша "дурустгина" дегани "ўртамиёна"га тенг келади. Ўртамиёначилик эса бадиий дидни ўтмаслаштиради. Бугунгача "муҳаббат" мавзусида миллионлаб шеърлар ёзилди. Ана шу миллионларнинг орасида ё ғояси, ё мазмун, ё ифодаси ёки бошқа нимаси биландир ажралиб турадиган бир сатр ёзиш ҳам шоирдан жуда катта истеъдодни, ўзига хосликни, уқувни талаб этади. Агар ёзилган ўша сатр миллионга аралашиб кетгудек бўлса, на шоирга, на китобхонга ҳеч нарса бермайди.

Сирасини айтганда, Иқбол Мирзонинг аксарият шеърлари муҳаббат, севги мавзусида. Ана шу муҳаббат, севги қатимларида эса, мақола бошида айтганимиздек, Ватанга садоқат, эл-юртга меҳр, устоз Озод Шарафиддинов қўмсаб ёзган изтироб, қувонч, қаҳр ва ғазаб, ҳаётга муносабат ўткир тимсолларда ифодаланган.

Китоб мутолаасини тугатиб, бир туйғуни сезиб қолдим: Иқбол Мирзонинг шеърларини сўзлаб, шарҳлаб бериш қийин. Уни фақат ўқиш керак экан...

Бу ҳам шоирнинг ўзига хослигидан, албатта.

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

ХАБАР

Коллежда **музей очилди**

Бухоро Нефт-газ касб-ҳунар коллежи вилоятдаги энг нуфузли ўрта-махсус ўқув юртларидан бири ҳисобланади.

Куни кеча мазкур касб-ҳунар коллежида 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан музей ташкил қилинди. Очилиш маросимида ўтганлар ёдга олинди, улар хотираси олдида эҳтиром кўрсатилди. Шундан сўнг тадбирда иштирок этган устоз ва фахрийлар, талаба ёшларга ўзларининг ҳаёт йўллари ҳамда коллеженинг тарихи ҳақида гапириб бердилар.

— Музейда 8 та фан кафедраларига оид маълумотлар, қўлланмалар, макетлар, альбомлар ҳамда ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув маскани ташкил этилгандан буён, яъни 34 йил ичида эришган муваффақиятларига оид материаллар ўрин олган, — дейди музей масъул ходими, информатика кафедраси мудираси Садоқат Сиддиқова. — Шунингдек, археологик топилмалар, Шариф шаҳарнинг қадимий ёдгорликлари, ҳунармандларнинг иш қуроллари ҳам ўз аксини топган.

Тадбирда Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

ХАЛҚЛАР, УРФ-ОДАТЛАР

Корейс **тўйлари**

Корейс тўйлари ҳам ўзбек тўйларига ўхшаб кетади. Буни икки халқ маданиятининг бир-бирига муштарак жиҳатлари кўп эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Қадим замонларда худди биздагидек, корейс халқи ҳам қизларини 10 ёшда унаштиришган ва турмушга беришган. Бироқ айни пайтда бу одат ҳар икки давлатда ҳам кузатилмайди. Бизда қонуний никоҳ ёши ўғил болалар учун 18, қизлар учун 17 ёш деб белгиланган. Кореяда эса бироз бошқача, йигит-қизлар никоҳдан ўтишлари учун 20 ёшга киришлари керак бўлса ҳам, одатда 28-30 ёшда турмуш қуришади. Йигитлар ўз иши, уй-жойига эга бўлиб, қўшимча даромад орттирганларидан кейингина ўзини оила қуришга тайёрман деб ҳисоблайди ва ёқтирган қизига совчи юборади. Қизлар ҳам ўз орзуларига эришиш, ҳаёт йўлларини топиш учун улардан кам ҳаракат қилишмайди. Кореяда, айниқса, Сеулда ўз уйига эга бўлиш амримаҳол. Шу сабабли айримлар пул топиш дардида ёши ўтганини ҳам сезмай қолади ва баъзан Кореянинг чет элдаги элчихоналари орқали келин қидиришга мажбур бўлишади.

Икки халқнинг тўй маросимлари ҳам ниҳоятда ўхшаш. Кореяда қиз тўй кунини билгач, янги уйга ҳозирлик кўради ва куёвнинг энг яқин кишиларига совға тайёрлайди. Буни келинларимизнинг "рўмолча тўқиш" базмига қиёслаш мумкин. Корейс анъаналаридан бири "Ҳаш"да куёв тўйдан бир кун олдин ўртоқлари билан келинга совғасалом олиб келади. Ўша куни куёв ва унинг энг яқин ўртоғи чол никобида келади. Сабаб ортиқча назардан йироқ бўлиш, пиру-бадавлат умргузаронлик қилайлик деган яхши ният. Уларни келиннинг дугоналари қарши оладилар. Ичкарига кирмай, кўчада туриб олган куёв-тўраларни қизлар турли хил ваъдалар бериб, бир амаллаб уйга олиб киришади. Бу ҳолат биздаги "тўқиз товоқ" деган удумни эслатади. Унга кўра келин тараф куёв жўраларга тўқиз хил таом олиб келишлари шарт. Кореяда келин учун тўрт фаслга мос бош-оёқ сарпо қилиш одати йўқ. Агар куёвнинг ота-онаси янги уй олиб берса, келин томон уни керакли жиҳозлар билан тўлдириб беради. Мабодо келин қайнота-қайнонаси билан бирга яшаса ортиқча сарф-харажатга ҳожат қолмайди.

Маълумки, ўзбек тўйларидаги энг чиройли анъаналардан бири бу "келин салом". Уларда "келин салом" келин-куёвнинг бирбирига таъзими кўринишида ўтказилади. Шунингдек, бизнинг тўйларда анъанага кўра қўй сўйилса, уларда ўрдак қурбонлик қилинади.

Ҳар икки давлатнинг ҳам келин-куёв либослари ўртасида фарқ йўқ. Куёв эгнига қора костюм-шим кийса, келин ўша куни оппоқ қўйлакда кўриниш беради.

Ўзбекистонда (вилоятларимизда) куёв келинни олов атрофида кўтариб айлантиради, корейс халқларида базм охирида кўтариб олиб чиқиш урфга кирган.

Тўйдан кейин улар, албатта, миллий кийим - "Хонбок"да уйга келишади ва 3 кун давомида уни кийиб юришади. Шундан сўнг келин-куёв "Тонги тароват мамлакати"ининг энг сўлим ва хушманзара ороли Чежудога тўй саёҳатига кетишади.

Нигора АБДУРАҲМОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ЛУҚМА

Ғалати тилаклар

Илгарироқ маҳалламизда бир биродаримиз келин олди. Висол оқшоми базмида сўзга чиққанларнинг аксарияти: "...хон бу хонадонга келин бўлиб эмас, қиз бўлиб тушди. ...жон эса ...хоннинг ота-онасига ўғил бўлди", дейишарди.

Табриклар, қўшиқлар бир-бирига боғланиб, тўйга файз бағишлаб турганда, бир отахонга сўз берилди. У киши ниҳоятда мазмунли ва мақбул ниятларни ёшларга Аллохдан тилади ва: "Азизлар, ёшим саксон бирда. Шу кунгача кўп тўйларни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Бугунгидай тўкин, файзли тўйларга етказганининг ўзи бир катта бахт. Юртимиз тинч, халқимиз шод-хуррам яшаяпти. Аммо... кейинги пайтлардаги бахт тўйларида билдирилаётган баъзи тилаклар эриш туюлади. Ахир, қайнота ва қайнона нега келинкуёвга "ота-она" бўлиши керак? Бу бизнинг минг йиллик қадриятларимизга беписандлик эмасми? Ёки куёв сўзининг нима кам жойи бор экан. Ўтмишимизга назар солинг, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий Зайнаб ва Отабек севгисини қандай таърифлайди? Отабек — Марғилонга ўғил эмас, куёв бўлиб боради. Ҳозир улуғ одамлар сўзга чиқишиб, "Сизга ўғил, сизга қиз бўлсин!", дейдилар. Оғиздан чиқаётган сўзга масъуллик ярашади. Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир, деганлар. Шўровий жамиятдан мерос бўлиб қолган, сунъий равишда мукимлашиб бораётган бўлмағур бу тилаклардан воз кечсак ўринли бўлар эди. "Яхши, одобли, зукко, вафоли, содиқ келин ва оқибатли, диёнатли куёв бўлсин!" дейишнинг нима ёмон томони бор,— дедилар. Сиз, газетхонлар бу мулоҳазага нима дейсиз?

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ

Наҳотки!

Эркакни изтироблар уммонига ботирадиган аёлдан кўра, унга бахт ато қиладиган аёлга вафодор бўлиш қийинроқ.

Франсуа де Ларошфуко

Пиёлам

(Ҳазил)



Лабингга оҳиста боссам
лабимни,
Қайноқ ҳароратинг бузди
тағбимни.

Дўмбоғим сен билан
бизни айирган,
Бу араз, бу аччиқ,
келди қаердан?

Нозли кеккайишинг,
қўймаганда ҳам,
Лабингдан бол ичиб
тўймаганда ҳам.

Пахта қўйлагингга
жоним тасаддуқ,
Ҳақингда ёмон сўз
ўйлаганим йўқ.

Ичимдан отилиб келяпти нолам,
Азизим, гўзалим —
чинни пиёлам.

Иноможон АБДИЕВ

АВВАЛИ

Бир жамият тузилғони ҳақида

Ёшлар уйушмаси — йанги Бухорода қафқазли ва татар ёшлари тарафиндан "Ёшлар уйушмаси" отли бир жамият тузилди. Биринчи йиғинда қурслар очарға қарор бериб очила турғон қурсларға ики малим тайин қилинди. Уйушма фойдали ичун оқча даҳи тўплана бошлади. Бу уйушма бошқа шаҳарлардаги ёшлар билан (хати ҳаракатларини) англағали мухобира (алоқа) қилмоқчи бўладир.

Адрес — Новая Бухара, Магазинъ н. Арсланова.

Хуррият. 5 сентябр, 1917 йил.

Хабар

Ёш мударис — янғи Бухорода мударислик қилғали татар ёш мударисларидан Абдуллабек Темуроф афандининг Қозондан ўтуб кетдиги "Қуёш" ғазетасинда ёзилғон.

Хуррият. 5 сентябр, 1917 йил.

Нашрга тайёрловчи: Олимжон БЎРИЕВ.

МАДАНИЯТ

УЧРАШУВ

Сўз не ажиб ҳикматки

дунёнинг мазмун-моҳиятини англатур

Ҳазрат Алишер Навоий:
Сўздирки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздирки, берар жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин...

деганларидек, тирикликнинг ҳидояти, ошиқ қалблар таржимони, ҳайвонот оламидан инсонни ажратиб турувчи илоҳий қудрат СЎЗдир. Сўз не ажиб гавҳарки, сўзлаганда қулф қўнгиллар очилур, сўз не ажиб ҳикматки, дунёнинг мазмун-моҳиятини англатур.

«Учрашув» саҳифамизнинг бугунги меҳмони Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдузуҳур Абдуазизов "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» бўйича республикада биринчи тадқиқотчиларидан ҳисобланади.

Абдузуҳур Абдуазизов бундан ташқари 400 дан ортиқ илмий рисолалар ва мақолалар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар муаллифи. Олим яратган «Умумий ва қиёсий типологик фонология элементлари» (1981 йил, рус тилида), «Инглиз тилининг назарий фонетикаси» (1986-2007 йиллар, инглиз тилида), «Тиллар оламига саёҳат» (1988 йил) каби китоблари шу билан бирга «Инглиз тили дарслиги», «Умумий тилшунослик», «Тилшуносликка кириш» ва бошқа дарслик, ўқув қўлланмалари республикамизнинг барча ўқув юртларида муваффақият билан қўлланилмоқда.

Таниқли олимнинг бугунги кунда ўзбек, чет тилларидан туркий тиллари, адабиёти ва тарихига доир олиб бораётган тадқиқотлари ва илмий изланишлари билан жамоатчиликни таништириш мақсадида домла билан суҳбатлашдик.

– Домла, халқимизга Истиқлол берган улуғ неъматлардан бири – она тилимизга Давлат тили мақоми берилганлигининг ўзи буюк ҳодиса бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шундан сўнг, ўзбек адабий тилида қандай ўзгаришлар рўй берди?

– Мустақиллик шарофати билан она тилимизга Давлат тили мақоми берилгач, ўзбек адабий тилидан Ғарб, рус сўзлари олиб ташланди. Бунинг ўрнига тилимиз юртимиздаги этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шеваларда гаплашувчи кишилар тилига хос сўзлар билан анча бойиди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ўзбек адабий тили тарихи ҳақида олиб борган тадқиқотларимни «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» номли китобимга жамладим. Бу тўпламда ўзбек тилшунослигининг янги ҳодиса ва тушунчаларини яъни фонологик зиддиятлар ва уларнинг едирилиши, фонотактик хусусиятлар, морфологик алмашинувлар ва бошқа тушунча ва атамаларни муомалага киритиш хусусида атрофлича тўхталиб ўтганман. Одамларнинг бир-бири билан мулоқотга киришишида, халқаро сиёсий, маданий, маърифий алоқаларни тиклаш, ёшларнинг давлат таълим стандартлари даражасида илм ҳосил қилиши учун нафақат ўз она тилисини балки, чет тилларини ҳам мукаммал билиши керак.

– Суҳбатимиз асносида сиз: «Хорижликлар тўрт, беш ойда ўзбек тилини ўрганиб, гапиришаяпти», — дедингиз. Нега биздаги ўқувчилар тўрт-беш йил инглиз тилида таҳсил олишса ҳам «тили» чиқиши қийин кечади?

– Таълим муассасаларида ўқитиш услубларини бироз ўзгартириш керак. Дарсларда янги ўқув технологияларини жорий этиш даркор. Чет элларда тил ўрганиш учун махсус мосламалар, оғзаки нутқни ривожлантириш ва шакллантириш учун керакли технологиялар мавжуд.

Аввалари бизда ҳам матбуотда, радиоэшиттиришларда, телевидениеда тил борасида баҳс, мунозарали чиқишлар уюштириларди. Ўша пайтлар «Ёшлик» журналида «Тил бурчаги» рубрикаси остида мунтазам мақолалар бериб бориларди. Ўзим ҳам бир неча йил давомида «Тил маданият кўзгуси» номли телекўрсатувни олиб борганман. Ҳозир ҳам тил, нутқ маданияти ҳақида мана шундай кўрсатувлар, эшиттиришлар, мақолалар бериб борилса, она тили борасида келиб чиқадиган муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Она тилимизни бойитиш, асраб-авайлаш ҳақида фақатгина тилшунослар қайғуриши керак эмас. Бу юртда туғилиб ўсган, бешикданоқ қулоғига сўз она сутидек кирган ҳар бир инсон тилга маъсуллигини йўқотмаслиги лозим. Чунки, тилнинг эгаси халқдир.

– Сиз жаҳонгашта олим сифатида айтингчи, ўзбек адабий тилининг халқаро йўқламада мавқеи қай даражада турадi?

– Жаҳонда ўзбек тили нодир тиллардан бири ҳисобланади. Туркий тиллар ичида эса иккинчи ўринни эгаллайди. Илмий тақиқотларим жараёнида АҚШ, Англия, Франция, Туркия ва Германияда ўзбек тили ва адабиёти ҳақида чоп этилган мақолаларим, илмий изланишларим хорижликларни қизиқтирганди. Айниқса, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари Амир Темур, Навоий, Бобур ижоди ва ҳаёти ҳақида босилган мақолаларга чуқур эҳтиром билан қарашади.

– Ўзингиз ҳам Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур ҳақида хорижда чоп этилган китоблар устида илмий тадқиқотлар олиб боргансиз. Изланишларингизнинг сир-синоатлари ҳақида гапириб берсангиз?

– Хорижда Алишер Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий ва Чўлпон сингари улуғ шоир ва адибларнинг ўрганилишига доир тадқиқотлар олиб борганман. Айниқса, «Бобурнома» асарини ғарб тилларидаги таржимасига бағишлаб, бир қанча мақолалар ҳам эълон қилгандим. Шунингдек, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг чет элларда ўрганилиши, тарихий битиклар ва матнлар тадқиқоти ҳақида ҳам ноёб маълумотлар устида изланишларим муштарийларга тақдим этилган.

Аслида ўзбек тилини шаклланишида, камолотга эришишида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг маънавий мероси муҳим ўрин тутади. Навоийнинг «Муҳокамат ул луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Назмул – жавоҳир» ва бошқа қатор асарлари ўзбек адабий тили ривожланишида катта ҳисса бўлди.

Шоир «Хамса»сида:

Сўздин ўликнинг танида руҳипок,
Руҳидоғи тан аро сўздин ҳалак.
Тургузиб ўлганни каломи фасиҳ,
Ўзига «Жонбахш» лақаб деб Масиҳ.
Сўздин юкига хомил ўлуб Жаброил,
Тангрики инсонни қилиб ганжу роз.
Сўз билан ҳайвондин анча имтиёз...
Доноу дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил...

— дея бежизга таъкидламаган. Бобур дастхатларининг бирида битган:

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзимни,
Сўзимни ўқиб соғингайсан ўзумни...

— деган боқий сатрлари дунё аҳлига ҳам маълум ва машҳур. Улуғ алломаларимиз таъкидлаганидек, кимки, ўз она тилини, тарихини билса, қадрласа чет тилини ҳам яхши билади.

– Афғонистоннинг Кобул университетида талабаларга «Умумий тилшунослик» соҳаси бўйича таҳсил берган чоғларингизда филология факультетида ўзбек тили бўлимини очишга муяссар бўлган экансиз. Айни пайтда яна қандай халқаро маданий марказлар билан ўзаро ҳамкорлик олиб бормоқдасиз?

– Кобул университетида фаолият кўрсатган йилларим ҳақиқатдан ҳам филология факультетида ўзбек тили бўлимини очиш ташаббуси билан чиққандим. Университет жамоаси бу ниятимга камарбаста бўлишди. Фаолиятим жараёнида дари тилида тилшунослик назарияси бўйича 2 та дарслик, 3 та дастур ва 19 та мақола ҳам ёздим. Улар Кобул университети, Афғонистон Фанлар Академиясининг илмий тўпламларида ва журналларида босилиб чиқди.

Москвада 1974 йилда «Фонологик системаларнинг типологиясига доир» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, АҚШнинг Мичиган, Буфалло ва Индиана университетларида малака ошириб қайтдим. 2005 йилда эса Германиянинг Мюнстер шаҳридаги Вилгельм университетида бўлиб ўтган халқаро анжуманда ўз маърузам билан иштирок этдим.

Айни пайтда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатиб, университетда чет эл илмий ва маданий марказлари билан алоқаларни кенгайтириш ташаббусини амалга оширдик. Хорижий филология факультетининг немис филологияси кафедраси Гёте институти билан жуда яхши алоқа боғлаган. Ҳозирда факультет жуда бой кутубхонага эга. Талабалар бу кутубхонадан фойдаланиб, ўзларининг билим ва илмий салоҳиятларини яна оширмоқда. Қолаверса, Франция маданият маркази, Италия элчихонаси ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Бу борада тил билганга — дунё кенг.

– Аслини олганда шевадаги сўзлар адабий тилни бойитишга хизмат қилса, баъзан шевага хос кўшимчаларни, чет тилидан кириб келган сўзларни адабий тил қоидаларига мос ҳолатда ишлатмаслик, она-тилида услуб ва имло хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу борада нима дейсиз?

– Аввало, ўзбек грамматикасидаги ҳар бир сўзни жой-жойига қўйиб ишлатишни билишимиз керак. Ўзбек тилида ёзилиши ҳар хил, маъноси бир хил сўзлар кўп учрайди. Масалан, турқ, башара, афт, чеҳра, рухсор ва ҳоказо... Ёзма нуткда «Чеҳрангиз чиройли» эмас «Турқингиз чиройли» деб айтиб бўлмайди. Сўз танлаш маҳоратини ўрганиш учун ҳар бир инсон маърифат ҳосил қилиши муқаррар деб ўйлайман. Ўзбек адабиётидаги улуғ ижодкорлар Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий ижодида ўзбек адабий тилини бойитишга хизмат қиладиган сўзлар кўп учрайди. Бу сўзлар шевага хос бўлса-да, тилимизни бойитмоқда. Масалан, севимли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор Қўқон шевасидаги «Синчалак» сўзини адабий тилимизга олиб кирди-ку. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо тил ўз сўзлари ва чет тиллари эвазига бойишини ҳам унутмаслигимиз даркор. Бир пайтлар русча сўзлар ўзбекчалаштирилиб, самолёт – учар, туман – ноҳия дея ўзгартирилди. Бу атамалар алал-оқибат одамларга сингмади. Шунинг учун кундалик ҳаётимизда қўлланилиб келинаётган баъзи атамалар – радио, актив, безнес, офис, кабинет сўзларини асло ўзгартириб бўлмайди. Кўча-кўйда, бозорда, ўқув даргоҳларида баъзи ёшлар ўзаро сўзлашувида «корочче», «братишка», «пахан», «бобой», Муҳаммадни «Миша», Бобурни «Боря», Гулбаҳорни «Гуля» каби ўта ғализ сўзларни қўллаши мени ташвишга солади. Кейин тилимизда унутилиб бораётган сўзларни муомалага киритиш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

– Нутқимизнинг тўғрилиги, равонлиги ва мантиқийлигига эришиш учун нималар қилиш лозим, деб ўйлайсиз?

– Ҳар бир сўзловчи тилнинг аҳамиятини тушунса, сўзнинг маъносини ҳис этса равон сўзлайди. Оғзига келган сўзни ўйламай гапириш, тилга ва сўзга зиён етказади. Адабий талаффуз деган нарса одамларнинг талаффуз ёзувига ўхшайди. Бошланғичда ўрганган ёзув одам умрининг охиригача хотирасида туради. Талаффузни эса мезонга солиб турадиган андоза бўлиши керак.

Ҳозирги кинофильмлар, театрда саҳналаштирилаётган спектакллар шевага хос сўзлар билан намойиш этилмоқда. Шева ҳам меъёрида, ўз ўрнида ишлатилиши керак. Ахир санъаткорларнинг талаффузидан, саҳнадан туриб айтадиган сўзидан миллат тарбия топади. Буни асло унутмаслигимиз жоиз. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг ушбу сатрларини келтириб ўтишни жоиз билдим.

Билиб сўзлагин, сўз биликка солур,
Биликсиз сўз ўз бошини еюр.
Ўқушқа, биликка би тилмочи тил,
Ёруточи эрни йўриқ тил бил.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРАК ФИНАЛДА

Таиландда бўлиб ўтаётган футзал бўйича Осиё чемпионатида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ босқичидаги сўнгги учрашувини Ливан термасига қарши ўтказиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Хабарингиз бор, дастлабки ўйинда юртдошларимиз Малайзия термасига қарши майдонга тушиб, йирик 10:0 ҳисобида зафар қучишганди. Терма жамоамиз иккинчи ўйинда эса Жанубий Кореяга қарши тўп суриб Александр Петров шогирдлари қийинчилик билан 4:3 ҳисобида ғалаба қозонганди. Ўшанда Фаррух Фархутдинов ва Николай Одушевлар иккитадан тўп киритиши терма жамоамиз муҳим ғалабасини таъминлаганди. Ушбу ғалабалардан сўнг терма жамоамиз 9 очко тўплаган ҳолда чорак финал масаласини амалда ҳал қилиб бўлишди.

17-БОР АНГЛИЯ ЧЕМПИОНИ

Англия премьер лигаси сўнгги турида «Манчестер Юнайтед» футбол жамоаси сафарда «Уиган» клубини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб ўз тарихида 17-бор чемпионликни қўлга киритди. Мавсумнинг охирги ўйинидаги голларга жамоа ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду ва футболчилик фаолияти давомида ўн бора Англия чемпионлигини қўлга киритган Раян Гигзлар муаллифлик қилишди. Чемпионликка даъвогар саналган яна бир жамоа «Челси» эса ўз уйида «Болтон» билан дуранг ўйнади.

Шундай қилиб, кетма-кет иккинчи йил олтин медалларга сазовор бўлган «Манчестер Юнайтед» футболчилари Чемпионлар лигасида ҳам зафар қучишни кўзлашмоқда.

ОЛТИНЧИ ҒАЛАБА

Россиялик теннисчи Динара Сафина Берлин шаҳрида ўтказилган WTA турнирининг бош совринини қўлга киритди. Финалда у ҳамюрти Елена Дементевага қарши курашди. Қизғин баҳсларга бой бўлган учрашувда Динара 3:6, 6:2, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу унинг мавсумдаги олтинчи омадли юришидир. Эслатиб ўтамиз, мазкур турнирнинг мукофот жамғармаси 1 миллион 340 минг долларни ташкил қилади.

Яна бир гап, улар шу пайтгача бир-бири билан кортда тўрт марта тўқнаш келган бўлиб, ҳар бири икки мартадан ғалаба қозонган.

ЖАНГ КУНИ МАЪЛУМ

Машҳур чарм қўлқоп усталари Николай Валуев ҳамда Руслан Чагаевлар ўртасидаги жангнинг янги куни белгаланди, деб хабар тарқатмоқда www.sovsport.ru сайти.

Ҳозирча жорий йилнинг 5 июлида ўтказилиши кутилаётган муштлашувнинг қайси шаҳарда бўлиб ўтиши маълум эмас. Хабарингиз бор, икки боксчининг олишуви 31 майда Германиянинг Оберхаузен кентида бўлиб ўтиши керак эди. Руслан Чагаевнинг оғир касаликка чалингани сабабли учрашув кейинроққа қолдирилганди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ҲАЖВИЯ

Тушунтириш хати

Шоирахон газетага ишга кирганидан буён «мушоира»ларда камнамо бўлиб қолди. Уни кўча-кўйда учратганимизда ҳам сўрашар-сўрашмас, тилла топган қулдек ишхонасига шошилади. Давраларга кирганда бир гапириб, ўн куладиган Шоирахоннинг шаддодлигидан асар ҳам қолмабди. Кундан-кунга озиб-тўзиб кетган дугонамдан ҳол-аҳвол сўрай деб қўнғироқ қилсам: – Дугонажон, мени тўғри тушун. Бизда тартиб қаттиқ. Шундан кейин ҳам қўнғироқ қилавериб, мени тушунтириш хатига тушириб юрмагин тағин, – дея доимгидек жаврашни бошлайди. Ноилож, дейману лекин хавотирим ҳеч босилмайди. Ижара уйига бориб, дугоналаридан аҳволини сўрасам, ҳар куни ишдан келиб, овқат ҳам емасдан кўрпага биқиниб олиб йиғлайди. Дардини бизга ҳам айтмайди, - дейишди. Кеча йўлда «тарвузи қўлтиғидан тушган» ҳолатда ишдан қайтаётган Шоирахонни учратиб қолдим. Кўнгил сўрадим. – Дугонажон, ишга кирганимга атиги икки ой бўлибди-ю, ёзган тушунтириш хатларим ўттизтага етибди. Бугун шу кафосатларни деб ишдан бўшашимга бир баҳя қолди-я. Лекин ўттиз биринчи тушунтириш хатим Раҳбарой опанинг қаҳридан сақлаб қолди, — дея гап бошлади.

– Раҳбарой опа олижаноб инсон эканлар. Ишга кирганингга икки ой бўлмасдан туриб, ўттиз битта тушунтириш хати билан сени қандай қилиб ишлатиб юрибди? — дея ажабландим.

— Бунга қизиқадиган бўлсанг, бўпти, сенга бир бошидан гапириб берганим бўлсин, деди у. – Ишга жойлашдим деганимда Раҳбарой опа ишни биринчи куни ҳузурига чақириб:

– Шоирахон, бу хотин-қизлар газетаси. Шунинг учун бу ерга шоира эмас, журналист керак. Бир пайтлар мен ҳам сизга ўхшаган осмоний туйғуларга юраги эш шоира бўлганман. Меҳридарё устозларим туфайли журналист бўлиб қолдим. Ажаб эмас, сиз ҳам айтганимни қилиб, келажакда яхши журналист бўлсангиз. Хўп, мавзудан четлашмай, мақсадга ўтсак. Иш пайтида шеър ёзмайман, дея тушунтириш хати ёзинг. Кейин ишга киришасиз. Агар бунга амал қилмасангиз, синов муддатининг ўзиёқ сиз билан хайрлашамиз, — деди. Раҳбарим шеър ёзганимни қайдан ҳам билиб ўтирибди, дея шартига рози бўлдим. Тушунтириш хатини ёздириб олгач, мени дастлаб компьютер хонасига олиб кирди. Атрофдагиларга эса: – Бу қиз янги матн терувчи. Ҳар куни йигирма бет қўлёзмаларни кўчириб, мана бу дафтарга ёзиб борсин, — дея қўлимга иш дафтарини тутқазди. Раҳбарой опа эшикдан чиқар-чиқмас, — ахир мен машинистка эмасман-ку... — дея фикримни билдирмоқчи эдим, опа айёрона кулиб: – Ташвишланманг, мен ҳам ишни машинисткаликдан бошлаганман. Ҳали келажагингиз олдинда, - дея ташқарига чиқиб кетди. Худонинг берган куни компьютер хонасида ўтириб, қўлёзмаларни кўчиришга тоқатим етмай кўзимга шашқатор ёшлар қўйилади. Ёнимдаги машинистка қиз бўлса, ҳар лаҳза неча бет ёзганлигимни текшириб, раҳбарга ахборот бериб туради. Баъзида эса ҳеч нарсадан юз-хотир қилмай: — Ҳой, сен зўр шоира бўлишинг мумкин. Лекин сендан зўр машинастика чиқмайди, тушундингми? Нонимни яримта қилганинг етмагандек, бошимга бало ҳам бўлдинг, - дея луқма ташлаб жиғимга тегади. Орадан уч кун ўтгач, опа хонага кириб, ёнимдаги қўлёзмаларни қунт билан текширди. Шундан сўнг раҳбар хонасига чақириб яна «Бир ойгача ҳарф теришни ўрганаман», дея тушунтириш хати ёздириб олди. Энди ўз устимда тинмай ишлаб, раҳбарга ўзимни кўрсатмасам бу ёғи ҳолимга маймун йиғларди. Энди компьютерчи қизнинг кўнглини топиб, ҳангомалашиб турганимда, хонага яна раҳбар кириб келиб қолди.

– Бу ерда мендан бошқа ҳеч кимнинг овози баланд чиқмаслиги керак. Сизга редакцияда ҳангома қилиб ўтиришга ким рухсат берди. Иккинчи кулмайман, — деб тушунтириш хати ёзинг деб яна менга роса дўқ қилди. Тушунтириш хати ёзиб, шундай тушкун кайфиятда турганимда, дабдурустдан бир шоир дўстим телефон қилиб, янги шеър ёзганини, биринчи бўлиб менга ўқиб беришни ният қилиб, қўнғироқ қилаётганини айтиб қолди. Ноилож, дўстимнинг шеърини тинглашдан бошқа чора йўқ эди. У тўхтамасдан шеър ўқир, Раҳбарой опа мухбирлар хонасига кириб, – Бу нимаси, одам ҳам шунчалик бетаъсир бўладими? Шакари гуфторликни ишдан ташқарида қилинг. Иккинчи бор телефонда гаплашмайман деб, тушунтириш хати ёзинг, — дея ўшкирди. Бу сафар тушунтириш хати ёзишим роса оғир кечди. Раҳбарга нима дейишга ҳам ҳайрон бўлдим. Тушунтириш хатини ёзиб, опага киритиб бергач, кўнглимни ғашлик эгаллади. Қишлоғим, онам, бехавотир кечган дамлар кўз ўнгимда гавдаланди. Раҳбарой опа, бу сафар ҳам мени кечирди, лекин бир кун кечирмай қўйса, нима бўлади дея фиғоним фалакка чиқди. Бундан буёғига «тушунтириш хати ёзмай» ишлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Эртаси куни ишга келсам, каллаи саҳардан ишхонага радиодан мухбир келиб, мени кутиб турган экан. Мухбирга: – Мен шоира эмасман. Шеърни шоирлар ўқисин. Мени тинч қўйинглар. Шундай ҳам тушунтириш хатларим кўпайиб кетди, - дея қанча тушунтиришга уринмай, гапимга кўндиролмадим. Энди радиога шеър ўқийман деб турганимда яна Раҳбарой опа хонамизга кириб қолса бўладими. Унинг ранги-рўйини кўриб: – Ҳозир сизга тушунтириш хати ёзиб бераман. Иккинчи.., деб гапимни тугатмасдан туриб, - Тушунтириш хатларингиз ўтмайди. Энди ариза ёзинг, - дея эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Атрофдагилар менга бирор жуяли маслаҳат беришга ҳам қурби етмай, вазиятни қизиқиш билан кузатиб туришди. Ходимлар ўртасида шивир-шивир, пичир-пичир авжига чиқди. Уларга менинг бу ерда қолишим ҳам, кетишим ҳам барибир эди. Мен учун эса бу газета жуда қадрдон бўлиб қолган, редакциядан ҳеч умидимни узгим келмасди. Охири нима бўлса, бўлсин дея ариза ёзиб Раҳбарой опанинг олдига кирдим.

– Опа, биламан, сизда шундай ҳам тушунтириш хатларим тўлиб ётибди. Менга яна тушунтириш хати ёзиш имконини қайта бермаслигингизни ҳам биламан. Лекин негадир редакциядан кетгим келмаяпти. Аммо ишда қолсам ҳам машинистка эмас, мухбир бўлиб ишламоқчиман, — дея кўзимдан ёш қуйилди. Опанинг юраги эрибми ёки оналик меҳри ийибми:

– Бўпти, кўп ҳам йиғлайверманг. Сизга сўнги бор аризани тушунтириш хати билан қайтиб олиш имкониятини бераман, — деди. Бундан бошим кўкка етиб, тушунтириш хати ёзиб, аризамни қайтиб олдим, — дея қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди, дугонам.

Ҳа, бизнинг Шоирахон ҳам анойилардан эмас экан. Раҳбари қанчалик тушунтириш хатини яхши кўрмасин, у ҳам ёзишдан чарчамайдиганлардан.

ДУНЁЗОДА

Фикр

Муҳаббат телескоп орқали, ҳасад эса микроскоп билан қарайди.

Б.ШОУ

— Болалар, рогатка билан қушларни отманглар, дарахт шохларни синдирманглар, табиатни асранглар...

А.ҲАКИМОВ чизган.

O'zingni angla!
HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сирдарёда — 8-367-374-81-53
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистонда — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-454 Адади: 7020 1 2 3 4 6 7 8